



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи ва манбашунослик кафедраси

НОРМАМАТОВА ФИРУЗАнинг

**5220200- тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ
ВИЛОЯТЛАРИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР
СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА” мавзусидаги**

Битирув маљакавий иши

Илмий раҳбар:

ўқ.З.Аннаева

Термиз- 2011

Термиз давлат университети кундузги бўлим битирувчиси Нормаматова Фирузанинг 5220200-тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида экологик муаммолар Сурхондарё мисолида” мавзусидаги битирув малакавий иши муаллифлик

АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги: Инсоният қадим замонлардан буён атроф табиий муҳит билан боғлиқ равишда яшаб келмоқда. Оламнинг яралишидан бошлаб инсоният содир бўлган экологик вазиятда фақат алоҳида ўринни эгаллабгина қолмай, балки унга оқилона муносабатда бўлиши ва қамровлик қилиши лозим ҳамда табиий мувозанат бузилишининг содир бўлиш хавфи, кун сайин ортиб бораётган экологик кризиснинг олдини олиш чораларини кўришга мажбурдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Бутун жаҳонда шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида айниқса Сурхондарё вилоятида об-ҳавонинг бузилиши ва унга сабаб бўлган омиллар саноат корхоналарининг фаолияти натижасида юзага келадиган муаммоларга ечим топиш, озроқ бўлса-да муаммоларни бартараф этиш янги лойиҳаларни кўриб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети: Мавзунинг тадқиқот объекти Сурхондарё вилоятига таъсир кўрсатаётган экологик саноат объектлари Тожикистон алюминий заводи, Роғун ГЭСини қурилишининг салбий оқибатлари инсониятнинг ҳаётига жиддий таъсири натижаларини ўрганиб чиқишдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси, амалий аҳамияти ва тадбиғи: Экологик муаммоларни бартараф этишда экологик электрон дарсликларни яратиш, ёшлар онгига экологик таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш. Мактабгача таълим муассаси мактаб, лицей, коллежлар ҳамда Олий ўқув юртларида илмий семинарлар ўтказиш Бу соҳада яхши самара беради. Сурхондарё вилоятида юзага келган муаммолар янги яқин йиллардан буён жуда жадаллашиб кетди.

Ишнинг тузилиши ва таркиби: Аннотация, адабиётлар таҳлили, кириш, икки боб, тўрта параграф, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат

Олинган асосий натижалар: Шундан иборатки бутун Ўзбекистон ҳудудида балки бутун жаҳон ҳамжамияти доирасида кўтарилган глобал муаммодир. Асосан муаммонинг янги ечимлар асосида ечилиши, бугунги кундаги янги хавф бўлиб турган муаммоларни инсоният ҳаётига таҳдид солмаслигини кўриб чиқишдир.

Иқтисодий самарадорлиги: Мазкур битирув малакавий ишидан инновацион лойиҳалар тузишда, академик лицей ва коллежлар ҳамда мактаб ўқувчиларига илмий семинарлар ўтказишда фойдаланиш ва реализация қилиш мумкин. Воҳамизда экологик муаммоларни бартараф этишда кетадиган маблағлар етарлича ажратилмоқда. Инновацион лойиҳалар тузиш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Хулоса ва таклифлар: Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш барчамизнинг конституциявий бурчимиздир. Бутун она табиат бизга ўз бағридан жой бериб, тоза ҳавосидан танамизга ором, ҳилол сувидан беъминот ҳавола этар экан, ҳудди шунинг каби биз ҳам жонажон табиатга меҳрли жонкуяр бўлмоғимиз жоиздир. Бу она табиат асрлар оша яшаб, ўтган аجدодларимизга, бизларга ва келажак авлодларга ҳам бирдан қолиб хизмат қилиши лозимдир. Экологик муаммолар жаҳон халқаро ташкилотлари билан мунозарали тарзда ечим топишга ҳаракат қилинмоқда.

Раҳбар _____

Талаба _____

Термиз давлат университети
Тарих факультети
Тарих бўлими «Жаҳон тарихи ва манбашунослик» кафедраси
№__ сонли йиғилиши баённомасидан

К Ў Ч И Р М А

«__»_____2011 йил

Термиз шаҳар

Кўрилган масала

1. Кундузги бўлим талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш ҳақида.

Кафедра йиғилиши қарор қилади:

1.Норматова Фирузанинг “Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида экологик муаммолар Сурхондарё мисолида” мавзусидаги битирув малакавий иши ҳимояга тавсия қилинсин.

2. Ички тақризчи этиб т.ф.н.М.Файзуллаева, ташқи тақризчи этиб, Термиз археология музейи директори Ботиров И.лар тайинлансин.

Илмий раҳбар: ўқ.З.Аннаева тайинлансин.

Йиғилиш раиси:

проф.С.Н.Турсунов

Котиба:

ўқ.Г.Аҳмедова.

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Йўналиш: Тарих

Тасдиқлайман _____
Факультет декани _____
«_____» _____ 2011 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____
(фамилияси, исми, шарифи)

1. Ишнинг мавзуси _____

«_____» _____ 20__ йил кафедра мажлисида маъқулланган

_____ йил ректорнинг № _____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган

2. Ишни топшириш муддати _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

5. Чизма қисми материаллари рўйхати:

6. Маслаҳатчилар.

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул қилинди

7. Битирув иши бажариш режаси

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси

Битирув иши раҳбари_____

Кафедра мудири_____

Топшириқни бажаришга олдим _____

«_____» _____ 200__ йил

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА

Кириш.

Асосий қисм.

1-Боб.Ўзбекистоннинг жанубий вилоятида экологик ҳолатнинг бузилиши ва унга сабаб бўлган омиллар.

1.1.Саноат корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ муаммоларининг инсон организмига ҳайвонот ва наботот оламига таъсири.

1.2.Энергия тежамкорлиги:Гидротехник иншоотларнинг экологик муҳитга таъсири.

11.Боб.Мамлакатимизда экологик ҳолатни барқарорлаштириш масалалари.

2.1.Ўзбекистонда экологик ҳолатни барқарорлаштириш бўйича давлат дастури.

2.2.Воҳамизда экологик маданиятни шакллантириш, таълим тарбия тизимида экологик электрон дарсликларни яратиш.

Хулоса.

Адабиётлар таҳлили.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Инсоният қадим замонлардан буён атроф табиий муҳит билан боғлиқ равишда яшаб келмоқда. Оламнинг яралишидан бошлаб инсоният содир бўлган экологик вазиятда фақат алоҳида ўринни эгаллабгина қолмай, балки унга оқилона муносабатда бўлиши ва қамровлик қилиши лозим ҳамда табиий мувозанат бузилишининг содир бўлиш хавфи, кун сайин ортиб бораётган экологик кризиснинг олдини олиш чораларини кўришга мажбурдир.

Инсон яратган ва яратаётган суний жараёнлар, табиат ва табиий муҳитнинг кескин ўзгариши натижасида шундай ҳолат содир бўлиши мумкинки, унда на инсон на цивилизация бўлмайди. Атроф табиий муҳитни она табиатни кўз қорачиғимиздай асраш кераклигини биз тарихимиздан яхши биламиз.

Ўрта Осиё тарихига оид бўлган қадимий манба “Авесто”да ҳам она табиатни асраш, оллоҳ томонидан яратилган иномларни асраб авайлаш кераклигини, масалан тупроқни тепмаслик, сувга тупурмаслик, дарахтларни кесмаслик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказмаслик лозимлигини манбада қайд этилган.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари: Бутун жаҳонда шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида айниқса Сурхондарё вилоятида об-ҳавонинг бузилиши ва унга сабаб бўлган омиллар саноат корхоналарининг фаолияти натижасида юзага келадиган муаммоларга ечим топиш, озроқ бўлса-да муаммоларни бартараф этиш янги лойиҳаларни кўриб чиқишдан иборат. Тарихимизнинг барча даврларига табиатнинг табиий неъматларидан фойдаланишда, эҳтиёткорлик алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин шунга қарамай экологик муаммолар барча даврларда халқлар ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Бугунги кунда биз кишилик жамияти ривожининг янги поғонасида турибмиз. Бу давр инсоннинг табиатга

нисбатан кучли эканлиги, унинг табиий захираларини миқдоран кўпайтириш имкони тугаётганлиги ва ниҳоят, инсон янги тарихий даврда адаптация ҳолати ўзгариши ва янги табиий муҳит тубдан ўзгарган шароитда мос келадиган бўлишга мажбур. Инсон фаолиятини ҳисобга олмасдан ва антропоген таъсири туфайли табиатнинг қай даражада ўзгаришини англамасдан биосфера кишилиқ жамиятининг келгусида фаол равишда умр кўришини табиатнинг глобал муаммолари оқилона ечилишига боғлиқ. Глобал муаммолар шунинг учун ҳам глобалки, у нафақат инсоннинг яшаш доираси, балки унинг фаолиятининг табиатга таъсири ва бу таъсир туфайли содир бўлаётган глобал ўзагришлар натижасида табиий муҳитнинг келгуси тақдирини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Глобал муаммонинг вужудга келиши инсоннинг асл моҳияти билан яшаш кенгая бораётганлиги ва инсон фаолияти, табиати мавжуд. Унинг қудрати беқиёс даражада улкан куч геологик куч сифатида ер қуррасида намоён бўлмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети: Мавзунинг тадқиқот объекти Сурхондарё вилоятига таъсир кўрсатаётган экологик саноат объектлари Тожикистон алюминий заводи, Роғун ГЭСини қурилишининг салбий оқибатлари инсониятнинг ҳаётига жиддий таъсири натижаларини ўрганиб чиқишдир. Ҳақиқатдан ҳам кишилиқ жамияти ҳозирги кунда шундай ишлаб чиқариш кучлари яратилганки, бу куч ёрдамида инсоният ер бағридан миллион тонналаб руда, нефть, кўмир сингари табиий қазилмаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, қайта ишлаш ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўллаш қудратига эга. Ҳозирги пайтда инсоният сув тақчиллигига ҳам учраши кун сайин сезилмоқда. Чунки, ичиладиган дарё сувининг катта қисми саноатда қўлланмоқда. Инсониятнинг сувга бўлган эҳтиёжини йиллик 5000 миллиард куб метрга баробар бўлиб турган пайтда, тонна полимер матони ишлаб чиқариш учун 3-5 тонна ичимлик суви

сарфланади. Кўриниб турибдики, сув бизнинг асосий саноат манбаимиз ва маҳсулотимиз ҳисобланади.

Мавзунинг хронологик тузилиш: Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида экологик муаммоларнинг хронологик таҳлили шундан иборатки, биринчи навбатда бу муаммолар қачондан бошлаб инсоният ҳаётига таҳдид сола бошлагани, кейинги даврларда асосан мустақиллик йилларида қанчалик салбий натижалар кўрсатганлигини баён этганман.

Мавзунинг манбий асоси: мавзунинг ёритилишида энг асосий манба бу Ўзбекистон ўтмиш тарихи билан боғлиқ манбалар. Халқ сўзи газетаси экологик журналлар, И.А.Каримовнинг экологик илмий асарлари ва бошқа фикрлари билан яхши суғорилган.

Мавзунинг ёритилиш мақсади: Бугунги кунда экологик муаммолар бутун жаҳон миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Юртбошимиз И.А.Каримов экологик муаммоларни эртароқ бартараф этмасак, оддийгина муаммолар кейинчалик катта хавф туғдиришини исботлаб берган. Масалан, Орол муаммоси аввалига бутун орол ҳудудларини кейинчалик эса, бутун минтақада жиддий хавф солмоқда.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси: Мен бутун экологик муаммоларни инсониятга, ўсимлик дунёсига, ҳайвонот дунёсига зарарли таъсири ҳақида кенгроқ ёритишга ва инсониятнинг ўзи яратган кашфиётлар кейинчалик инсоният саломатлигига таъсири ва унинг оқибатлари ҳақида ёритишга ҳаракат қиламан. Ҳозирги замондаги ГЭС ларнинг қанчалик салбий томонларини ёртиб бераман. Бундай воқеаларга давлатимиз томонидан кўрилаётган чора тадбирларни шунингдек, экологик ташкилотларнинг олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишамиз. Яна шуни таъкидлаш лозимки, экологик муаммолар деганда фақатгина сув ёки табиат масалалари эмас, балки энергетик ҳамда атроф муҳитни ифлосланишига қарши чора тадбирларни ҳам назарда тутиш лозим.

Инсон бир йилда 9 тоннага яқин кислород қабул қилади. Яна 12 миллиард тонна кислородни инсон ҳар хил ёқилғиларни ёқиш учун сарфлайди. Бутун ер юзи саноат чиқиндилари билан сурункасига ифлосланмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонлар ер юзида яшайдиган киши бошига нисбатан камайиб бормоқда. Бу масала ва муаммолар тўғрисида кенгроқ тўхталиб, батафсил баён этмоқчиман.

Мавзунинг илмий янгилиги: Экологик муаммоларни бартараф этишда экологик электрон дарсликларни яратиш, ёшлар онгига экологик таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш. Мактабгача таълим муассаси мактаб, лицей, коллежлар ҳамда Олий ўқув юртларида илмий семинарлар ўтказиш Бу соҳада яхши самара беради. Сурхондарё вилоятида юзага келган муаммолар янги яқин йиллардан бўён жуда жадаллашиб кетди. Мустақиллик йилларидан бўён экологик муаммоларга бағишлаб ўтказилган конференцияларнинг ҳаммаси экологик вазиятларга тўғри баҳо бериб келмоқда. Шундан иборатки бутун Ўзбекистон ҳудудида балки бутун жаҳон ҳамжамияти доирасида кўтарилган глобал муаммодир. Асосан муаммонинг янги ечимлар асосида ечилиши, бугунги кундаги янги хавф бўлиб турган муаммоларни инсоният ҳаётига таҳдид солмаслигини кўриб чиқишдир.

Мавзунинг тузилиши: Аннотация, адабиётлар таҳлили, кириш, икки боб, тўрта параграф, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-Боб.Ўзбекистоннинг жанубий вилоятида экологик ҳолатнинг бузилиши ва унга сабаб бўлган омиллар.

1.1.Саноат корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ муаммоларининг инсон организмига ҳайвонот ва наботот оламига таъсири.

Сурхондарё вилояти республикаимиз жанубида жойлашган бўлиб, шимолий-шарқдан Тожикистон, жанубидан Афғонистон, ғарбдан эса Туркменистон ҳудудлари билан чегарадош. Вилоятнинг умумий ер майдони 20,8 минг км²ни ташкил этади. Аҳоли 2 миллион 120 минг кишидан ортиқ. Вилоятда 14 та район бўлиб, 114 қишлоқни ўзида бирлаштирган унинг марказий ва жанубий қисми текис майдонлардан иборат бўлиб, Бойсунтоғ, Кўҳитантоғ, Боботоғ тизмалари билан ўралган. Юртимиз чўл-адир ва тоғларида 4500 турга яқин ноёб ўсимликлар, 15677 турдаги хилма-хил ҳайвонлар ҳаёт кечиради. Булардан ташқари Сурхондарё ўлкасида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кенг қўламда ривожлантириш ҳамда аҳолининг табиат ноз-неъматларидан тўла фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятлар бор. Шундай экан, имкониятлардан меъёрида, она табиатга зарар етказмаган ҳолда фойдаланиш, уни келажак авлодларимизга беками кўст қолдириш асосий вазифалардан бири.

Маълумки, ер шаригадаги барча тирик жонзот, шу жумладан инсонлар ва уларнинг соғлом яшаши, узоқ умр кўриш, кўпайиши, ривожланиши бевосита атроф-муҳит ҳавосининг тозаллиги, мусавффолиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик тозаллигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Атмосфера табиий ифлоснишидан ташқари бунга қўшимча мутассил уни инсон қўли билан ақлга сиғмас даражада ифлослантирилмоқда. Бунга сабаб энергетика, хилма-хил саноат корхоналарининг қуриши, транспорт воситаларининг ҳаддан зиёд кўплаб ишлаб чиқариши ва уларнинг жаҳон стандартлари талаблари асосида ишлатилмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Бу саноат корхоналари чиқиндилари эса қарзлар ёрдамида суяқ ва қаттиқ ҳолатда

атроф-муҳитга тарқатмоқда. Айниқса, зарарли газларнинг атмосферага чиқарилиши барча ўсимликлар ва ҳайвонот оламида ҳамда инсонлар ҳаёти учун катта хавф туғдирмоқда. Ҳозирги вақтда атмосфера ҳавосидаги 600га яқин химявий моддаларнинг рухсат этилган меъёри давлат норматив ҳужжатларига кўра иш олиб борилганди эди, табиат ҳеч қачон изтироб чекмаган бўларди.

Сурхондарё воҳаси бўйлаб Тожикистон алюминий заводидан ажралиб чиқаётган фторли водород, азот оксиди, олтингугурт ангидриди каби заҳарли газлар атмосфера ҳавосини, балки ўсимлик, тупроқ, сув, жонзоти одамлар танасида тўпланиб, уларга, катта маънавий, ижтимоий, иқтисодий зарар етказмоқда. Натижада Сарйосиё, Узун, Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманларининг ўсимлик ва ҳайвонот танасида, одамлар вужудида ўндан ортиқ касалликларни келтириб чиқарди. Касалланган одамлар сони эса йилдан йилга ортиб бораётганлиги қайд қилиниб келинаяпти. Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятидаги фожиаи экологик вазиятни бартараф этиш ва меъёр ҳолга келтириш Ўзбекистон ва Тожикистон давлат раҳбарларининг оқилона иш тутиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аралашини тақозо этади. Бизни ўраб олган оламнинг мусаффо табиатисиз инсоннинг яшаши. Ҳаёт кечирishi амри маҳол бўлиб қолди.

Ҳар бир майса, япроқ, дарахту кушларни, дарандаю ва бошқа табиат нематларини кўз қорачиғимиздек асраш ҳар биримизга юкланган маъсулиятли вазифадир.

Экологик вазият инсон организмига доимо жиддий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда барчамизга маълумки, воҳамизда экологи муаммо биринчи ўринда турган долзарб муаммодир. Айниқса, қўшни Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газлар ер юзидаги тирик мавжудотга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Тоҷикистон алюминий заводининг қурилиши собиқ шўролар даври сиёсатининг маҳаллий халқларни менсимаслик ва унинг мудҳиш тимсоли сифатида қурилган эди.

Тоҷикистон Алюминий заводи Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан 10 км узоқликдаги, Турсунзода шаҳри ҳудудида жойлашган. Алюминий заводи 1975 йилда ишга туширилган бўлиб, технологияси кучли куйдирилган анодлар билан ишлайдиган электролизерлар ёрдамида фаолият кўрсатади. Қуввати эса йилиги 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Заводида чиқарилаётган чиқиндилар водород фториди, олтингутурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксиди ва бошқа зарарли моддалардан иборат. Бирламчи алюминий ашёсини ҳосил қилиш жараёнида заводда тегишли бирикмаларга фтор моддаси аралаштирилади.

Фтор гологенлар гуруҳига кирадиган ўта актив модда кислородни тез сиқиб чиқаради. Фтор меъёридан ўтиши билан катта салбий таъсир кўрсатади. Оч сариқ тусли ҳиди бадбўй, заҳарли газ. Қайта ишлаш саноатида у сарғиш ва кулранг кукун таркибида ҳавога ёйилади. Бир мисқол фтор кукунни тупроққа ўтирдими у ердан чувалчанг ва бошқа тупроқ ҳайвонлари узоқлашади. Ипак қурти ҳатто фтор ҳидини сезгандаёқ дарҳол ўлади. Ўтган асрнинг 90-йилларида олиб борилган текширув ҳулосаларига кўра Денов, Узун ва Сариосиё туманларидаги водород фторидининг концентрацияси ҳаво ва тупроқда меъёрига нисбатан 10-20 маротоба кўп бўлган.¹ Яъни бу биз истеъмол қилаётган озиқ-овқатларга ўз таъсирини ўтказди, деган гапдир.

Масалан, тупроқда 2,7 %, пиёзда 29,6 %, сутда 15 %, сабзида 22,8 %, буғдойда 5,5 %, олмада 23 % водород фторид бирикмалари борлиги аниқланди. Бу рақамлар йил сайин ортиб бормоқда ва бугунги кунда Узун, Сариосиё ва Денов туманларида экологик ҳолатнинг ниҳоятда оғир эканлигини кўриб турибмиз. Тупроқнинг ифлосланиши даражаси 16 балл,

¹ Хуррамов Ш., Ўташев Ш. Талофат. Т. 2007 йил.-Б 6.

сув ҳавзасининг заҳарланиши 30 балл, атмосфера ҳавосининг заҳарланиши 31 балл, ичимлик сувининг сифат даражаси 26 баллни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар Сариосиё, Денов, Узун туманлари тупроғи, иқлими ва истеъмол маҳсулотларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини кўрсатади ва ҳудудда ҳаёт кечириш жуда хавфли эканлигини ёддан чиқармаслик керак.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети, вилоят гидрометрология бошқармаси, вилоят давлат санитария эпидемиология назорати ва Сариосиё туманлараро “Табиатни кузатиш” мониторинги маркази ходимлари ўтган 2005-2006 йилнинг август ойларида Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой туманларида иш олиб бордилар. Таҳлил натижалари ўрганилганда, вилоят шимолий туманларининг атмосфера ҳавосида водород фториди миқдорининг анча ошганлиги маълум бўлди.

ТожАз Сурхондарё халқига англаниб бўлмас даражада зиён етказмоқда. Шу ўринда айрим далилларни келтириш ўринли. Сариосиё туманининг Сўфиён, Дашнобод, Сариосиё, Бобур, Охунбобоев ширкат уюшмаси ҳудудлари, Узун туманининг Б.Омонов, Эшмирзаев, Гулистон ва Я.Пирназаров номли жамоа хўжаликларидаги аҳолига ТожАЗнинг ўта ёмон таъсири кузатилган. Чунки бу аҳоли пунктлари асосан кунлик ҳаво оқими йўналишида жойлашган.

Сариосиё тумани ҳудудида Ўзгидрометрология, табиатни муҳофаза қилиш комитети ва ДС ЭНМ томонидан водород фториди қолдиғини, углерод оксиди, азот оксиди, олтингугурт ангидриди ва чанг миқдорини туман атмосферасида аниқлаш бўйича 3 та лаборатория ишлаб турибди. Бу лабораториялар Сариосиё, Дашнобод, ширкатлари ҳудудида ва М.С.О. посёлкасида жойлашган. Кейинги 5 йилда 2002-2006 йилларда олтингугурт ангидридига 898 марта намуна олинган бўлиб, ўртача йиллик норма $0,043 \text{ мг/м}^3$, азот II оксидига 2004 йилда жами 898 намунадан марта ўртача ойлик кўрсаткичи – $0,36 \text{ мг/м}^3$ водород фториди қолдиғини аниқлаш учун олинган 2399 намунадан ўртача йиллик меъёр $0,034 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этган. Тумандаги

Дашнобод ширкатида фторнинг бир кеча кундуздаги миқдори белгиланган меъёрдан 1,75 мартоба кўплиги аниқланди. Кейинги пайтларда завод мўриларидан чиқаётган захарли тутун Олтинсой туманига ҳам етиб келди. Масалан шу тумандаги Хайрондара ширкат хўжалиги ҳудудидан олинган 72 та намуна ўрганилганда, водород фторидининг миқдори бир кеча-кундузда белгиланган меъёрдан 1-1,5 марта кўплиги маълум бўлди. Тож АЗдан атмосферага чиқараётган захарли газлар бирикмаси Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманлари ҳудудлари бўйлаб тарқалаётганлиги аниқланди.¹

Бу газлар аралашмаси ҳудудидаги барча ёввойи ва маданий ўсимликлар тупроқ. Сув, ҳаво, ҳайвонлар олами ва одамларнинг нормал ҳаёт кечириши, ўсиши, ривожланиши ва кўпайишларига жуда катта зарар келтираётганлиги Ўзбекистон халқи олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Булардан ташқари алюминий заводидан атмосферага тарқалаётган фтор органик моддалари ҳатто азон қатламини ўстириш хусусиятига ҳам эга. Бу нарса сайёрамизни ҳалокатга етаклайди. Саноат корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг инсон организмига таъсири шу қадар кучлики, Тожикистон алюминий заводининг таъсири туфайли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида экологик муҳит фожеали тус олган. Алюминий заводи таъсир қиладиган ҳудудда 600 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу майдонда аҳоли яшайдиган томонидан тушаётган шикоятлар сони йилдан йилга ортиқ борапти. Биргина Сариосиё ва Узун тумани аҳолиси орасида флюроз² (тиш) касаллиги 1996-1997 ва 2005 йиллар давомида қуйидагича қайд этилган.

¹ Хуррамов Ш., Ўташев Ш. Флюроз-Ҳаво ва сувда. Фтор миқдорининг ошиши оқибатида тишларнинг зарарланиши. Талофат. Т. 2007. –Б.16.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997. –Б. 132.

1996 йилда жами 491 та флюроз касаллиги билан касалланган бемор руйхатга олинган бўлиб, унинг ўртача интенсив кўрсаткичи ҳар ярмида 3,7 кишини ташкил этган.

1997 йилда эса бу кескин кўтарилиб, энди 580 та флюроз касаллиги билан оғриган беморлар руйхатга олиниб, ўртача интенсивлик 4,7 ни ташкил этган. 2004 йил 1258 та одамда флюроз касаллиги аниқланди. Бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 2,5-3 баробар кўп дегани. 2005 йилнинг 6 ойи давомида эса флюроз касаллиги билан 3361 та одам руйхатга олиниб, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига 12,0 ни ташкил этди. Бу 2004 йилга нисбатан 3 баробар кўп одам касалланганидан дарак беради.

Эндимик флюроз касаллиги бу ҳаво ва сув таркибида фтор миқдорининг ошиши оқибатида она ҳомиласи даврида тиш куртакларининг зарарланиши оқибатида пайдо бўла бошлайди. Бугунги кунда вилоят аҳолисида флюроз касаллигининг бешта тури мавжуд.

1.Штрихли формаси. Тишнинг эмал қисмида сарғимтил штрихлар пайдо бўлиши билан характерлидир. Бу тишларнинг юза қисмини кўпроқ характерлантиради.

2.Доғли формаси.Бу тишнинг ҳамма эмал қисми ҳамда чайнов ва кесув юзаларида доғ пайдо бўлиши билан характерлидир.

3.Оқ рангли олачипор формаси. Тишнинг эмал юзасида чуқур бўлмаган ёриқлар бўлиб, улар айлана ва эллипсимон формада бўлади.

4.Эрозли формаси. Бу форма сув таркибида 5 мг/л формада эмал қисмида ҳар хил эрозивлар пайдо бўлади.

5.Деструктив формаси. Бу форма сув таркибида 5 мг/л фторнинг ошиши билан характерланади. Бунда тиш қопламасининг шакл жиҳатидан бузилиши ва тишнинг қоплама қисмлари ўз-шўидан синади.

Республика эндокринология илмий текшириш институти олимлари томонидан 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар алюминий заводи чиқараётган захарли газларнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири ўрганилиб

келинмоқда. Чиқиндилар таркибида фтор бирикмалари қолдиғи аниқланганини ҳисобга олсак, унинг миқдори кундан кун кўпайиб бормоқда. Фтор табиий шароитидаги йод моддасини ямлаб ютади. Одамга сингиб, унинг жисмидаги йодни сўриб олади, нафасни буғади ва асаб толаларини нормал ишлашига салбий таъсир кўрсатади.

Бу ўз навбатида, тирик организмларда қалқонсимон бези гармони ҳосил бўлишига олиб келади. Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши инсон организмидаги, асосан ўсиб келаётган ёшларда бир қанча патологик ўзгаришларга сабаб бўлади. Натижада эса бир хил боланинг жисмоний ақлий ривожланиши орқага чўзилади. Текширишлар шуни кўрсатадики алюминий чиқиндилари таъсири остида бўлган ҳудудларда 1991-1998 йиллар қалқонсимон без касаллигининг солиштирма таҳлили ўта натижалар берди ва у қуйдагича қайд қилинди.

1991 йилда қалқонсимон без касалликлари билан 1737 та бемор руйхатга олинган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 38989 тага кўтарилди. II-III даражали эндемик бўқоқо касаллиги Узун ва Сариосиё туманларида 2001 йилда 44825 та бемор руйхатда турса, 2005 йилнинг 6 ойида 20407 та киши руйхатдан ўтиб даволанди.

Алюминий заводининг таъсири, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларга кўпроқ зиён келтириб, улар орасида экстрогенетал касалликларнинг ошиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, 2004 йил якуни бўйича Узун туманидаги 30394 та туғиш ёшидаги хотин қизлардан 72,2 %, яъни 21968 нафар беморга турли хил экстрогенитал касалликларнинг асосий қисми камқонлик билан оғриганлар 74,6%, эндокрин касалликлари билан 5,5 %, буйрак 5,2 %, ошқозон-ичак 4,6% ва бошқа касалликларга чалиниш эса 5,9 % ни ташкил этган. 2005 йилнинг 6 ойи давомида 32232 та туғиш ёшидаги хотин қизлардан 22050 нафари, яъни 67, 5% да турли хил экстрогенитал касалликлари аниқланган. Аниқланган касалликлардан асосий қисмини камқонлик-27,1 фоизида, 5,3 фоизида буйрак ва эндокрин системаси, 4,3

фоизида овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари ва бошқа касалликлар билан оғриганлар 5,3 фоизини ташкил қилди.

Узун туманида бўлса, 26 нафар 63,4 % аёлда ҳомиланинг бевақт тушиш ҳолатлари кузатилган. Сариосиё туманида туғиш ёшидаги хотин-қизлар 325757 нафар бўлиб шундан фоиз ҳисобида 76,7ни яъни 24895 нафарида тиббий кўрик хулосасига кўра экстрогенетал касалликлар борлиги маълум бўлди. Сариосиё туманида эса 18 нафар аёлда ҳомиланинг бевақт тушиш ҳолатларини аниқланган. Туғиш ёшидаги аёлларга ҳомиланинг ўз-ўзидан тушишига асосий сабаб алюминий заводи чиқиндиларининг таъсиридир.

Бунинг натижасида келиб чиқадиган касалликлар 46 фоизини ташкил қилиб, шундай эндокрин касалликлари 18 фоизини, 12 фоизини буйрак касалликлари ҳисобига тўғри келади.

Бундан ташқари 2004 йил давомида ҳисобга олинган ҳомиладор аёлларнинг 26 фоизида ҳомиланинг бевақт тушиши, 11,2 фоизи ҳомиладор аёлларнинг кечикиб бола пайдо бўлиши хавфли билан асоратланган. Сариосиё тумани аҳолиси соғлиқни ўрганиш, экологик ҳолатига баҳо бериш мақсадида 1998 йил Вазирлар Маҳкамасининг 2 августдаги 282 сонли фармони эълон қилиниб иш бошланди. Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг 5 сентябр 1989 йил 298-ва 182 сонли буйруқларига кўра, республиканинг етакчи мутахассисларидан иборат тўрта биргадаси алюминий заводи чиқиндилари таъсирида аҳоли саломатлигига қанча зиён етаётганини ўрганди. Сариосиё ва Жарқўрғон туманида текширишлар олиб борилди. Натижалар шуни кўрсатадики, Сариосиёда Жарқўрғон туманига нисбатан айрим касалликлар 2 ҳисса кўплиги аниқланди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш Вазирининг муовини, академик Г.Искандаров ташаббуси билан санитария ва эпидемалогия илмий-текшириш институти ходимлари ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларидан иборат 49 киши туманда текширув ишлари олиб борди. Сариосиё туманидаги аёлларнинг соч

толалари анализ қилинганда, фторнинг миқдори 2,3 баробар кўплиги, баъзи аёллар соч толасида фторнинг миқдори ҳатто 1000-1300 млг/г гача ошганлиги кузатилган. Чақалоқлар соч толасида фтор бирикмалари миқдори кўпайиб, ҳомиладор аёллар йўлдошининг ўтказувчанлиги ошган, ҳомила ривожига салбий таъсир кўрсатган. Аёллар сути таркибида хром, бром, темир, олтин миқдорининг одатдагидан пасайганлиги ва модданинг кўпайганлиги туфайли ҳомила ривожини издан чиқарганлиги маълум бўлди.

Ўлик туғилган қиз чақалоқлар вужудида фтор, хром, сузма каби моддалар концентрацияси ошганлигини кўрсатади. 1992 йилда қанд диабети касаллиги билан оғриган 164 нафар бемор қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 2,5 баробарида ошиб 363 тани ташкил этган. Саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда маъсулиятни ошириш даркордир.¹

Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич ҳом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналари ўрнатиш лозим. Сурхондарё вилоятида 1975 йилга қадар анкологик касалликлар, бошқа касалликларга нисбатан онда-сонда учрайдиган ёки паст кўрсаткичда эканлиги қайд этилган. Аммо завод ишлай бошлагандан кейин бу касалликлардан азият чеканларнинг сони йилдан-йилга ошиб борди. Натижада Сариосиё, Денов, Узун, Шўрчи ва Олтинсой районлари аҳолиси ўртасида 2002 йил 411 киши касалланган бўлса, 2003 йилда 467, 2004 йилда 477, 2005 йилда 502 одам касалланган. Маълумки, Сурхондарё иқлими мамлакатларимиздаги бошқа ҳудудлар иқлимига қараганда анча илиқ. Бу эса захарли фтор бирикмалари ва бошқа захарли газларни янада фаоллаштиради. У нафақат атроф-муҳитни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997. –Б. 130.

заҳарлайди, балки инсон саломатлигини ҳам емираётганлигини юқоридаги далиллар асосида исботладик. Масалан 80 ёшли Пўлат бобо Давлатовнинг айтишича: “Эрталаб уйғонганда оғих таҳир, бел суяги зирқираб оғрийди. Тана ланж бўлади, суяк оғирлашиб, кун узоғи кайфиятнинг хира бўлиб юриши ҳоллари бўлади”, дейди. Фтор бирикмаси бор заҳарли газлар тарқалган муҳитда туғилиб ўсаётган болалар тоза муҳитда яшаётган болаларга нисбатан бўйи пастлиги органларнинг номутаносиб шаклланиши, жисмонан хавлиги, танасининг оғирлиги ва тишларнинг яхши ривожланмаган деформациялашиб қолганлиги билан ажралиб туради. Ҳозир худди шу жараён кетаяпти. Алюминий заводининг заҳарли газлари чиқиндилари Сариосиё, Денов, Узун, Олтинсой ва қисман Шўрчи туманлари аҳолиси ҳаётига жуда катта салбий таъсир кўрсатиб, беморнинг ҳар бири бир нечта касалликларга мубтало бўлганлиги бизнинг фожеамизга айланди. Алюминий заводи икки қондош ва жондош халқ бошига оғир мусибатлар солишини муҳим тожик шоири Мирзо Турсунзода ўша вақтлардаёқ башорат қилган эди. Касалхоналарда доялар туғдирган қўлсиз, оёқсиз, ҳатто дум-думалоқ танали чиқалоқлар ёруҳ дунё юзини кўриб, бир-икки кун ўтиб жон бермоқдалар. Касалхонадаги шунча ногирон болаларни тақдирини қай йўсинда тасаввур қилиш қийин эмас. Инсонларнинг саломатлигига таъсир қилган заҳарли касалликларни келтириб чиқараётган моддалар ҳақида “Муштум” журналида фожеали ҳолатга бағишланган, моддаларни ўқишимиз мумкин. Мақолада “Сариосиё фожеаси” номли шеъри пайдо бўлди.

80-йилларнинг бошларида қўшни Тожикистонда алюминий заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига қарашли кўпроқ туманларида экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди.¹

Тожикистон Алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газларнинг ёввойи ва маданий ўсимликларга салбий таъсири жуда каттадир. Завод

¹ Хуррамов Ш.Х., Ўташев Ш.П. Талофат. Т. 2007. –Б.12.

мўрилардан чиқараётган захарли газлар барча ёввойи ва маданий ўсимликлар ривожига, шаклланишига, тараққиёт ва ҳосилдорлигига катта зарар етказмоқда. Воҳамизнинг Шимолий туманларида дарахт барглари бевосита хазон бўла бошлади. Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи, Олтинсой туманлари аҳолиси бир неча йиллардан буён, ўрик, шафтоли, хурмо емай қўйдилар. Уларнинг боғларидаги бу ноёб дарахтлар ҳосил бермай қўйди. Аллюминий заводидан чиқётган захарли газлар Сурхондарёнинг Шимолий ҳудудидаги ёввойи ва маданий ўсимликлар ҳосилдорлигини анча пасайиб кетганлигини аниқланди. 76 ёшли Йўлдош ота Олимов сингари анорчилик, узумчилик ва боғдорчилик сир-асрорларни мукаммал эгаллаган деҳқонлар сони “Дашнобод”да кўп. Уларнинг қадоқ қўллари билан етиштирилаётган витаминларга бой, доривор хусусиятларга эга анор, узум, қовун, тарвуз, хурмо, pista, бодом, шафтоли мевалари бутун дунёга маълум ва машҳур бўлиб кетган эди. Афсуски бугунги кунда Сариосиё. Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи туманларида етиштирилаётган мевалар бундай мақтовдан йирик. Дашнобод анорларининг олдинги довуғи ҳам фақатгина кўрғазма суратларда одамларнинг хотирасидагина қолди. Дашнободлик Йўлдош ота заводдан тарқалган газ меваларини анча ўсиш суратини пасайганлигини айтди. У шундай хотирлайди: Бир вақтлар ҳар бир анорнинг оғирлиги бир, 1 кг 200 гр келарди,-дейди алам билан. У кишининг кўзларига боқар экансиз, 34-35 йиллик анорсозларни бузиш, фарзандидай бўлиб қолган кўчатларни кидириб ташлашга қўли бормаётганлиги шундоққина сезилиб турарди. Нафақат анор, балки хурмо, узум ва бошқа мевали дарахтлардан ҳам ҳосил олиб бўлмаётганлигини нафақат Йўлдош ота, балки кўплаб бошқа отахонлар ҳам ўз кузатувларини гапириб бердилар.

Ўтган асрнинг 90-йилларида “Дашнобод” ширкатида мавсум давомида 11 минг тоннагача анор етиштирилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 5 минг тоннага камайиб кетди. Тожикистон аллюминий заводи

таъсирида жиддий зиён кўрган 554 гектар ердаги анорсозлар таг-томири билан қўпориб ташланди.

Сариосиё, Узун, Денов, Шўрчи ва Олтинсой туманларидаги ёввойи ва маданий ўсимликлар фенологик кузатилганда, уларнинг барглари сарғайиб, ривожланмай қуриб қолгани аниқланди. Маданий ўсимликларда ҳам худди шу ҳолат кузатилди. Уларнинг ҳам барглари қовжираб, доғ тушиб, кам ҳосилли бўлиб қолган. Ўрик, хурмо ва гилос каби дарахтлар эса ҳосил бериш ўрнига, ёз давомида барглари тўкилиб, қайта барг чиқариш каби ҳолат кузатилди. Заҳарланган зоналардаги ўсимликларнинг ўз мева баргларини тўкиб юбориши, умуртқасиз ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг насл бермай қўйиши улар учун ёмон шароитнинг юзага келишидан дарак бериб турибди. Водород фториди гази билан заҳарланган ўсимликлар турли ҳил спесифик касалликларга дучор бўлди. Жумладан игна баргли ўсимликларда япроқнинг уч қисми яшил рангдан қизикиш ёки қизил рангга ўтади. Кенг баргли ўсимликларда эса баргнинг четки қисми қизилқўнғир рангга кириб, секин аста қурий бошлайди. Баргнинг четки қисмидан қуришига сабаб баргнинг четки қисмида фтор моддасининг кўпроқ тўпланишидир.

Табиийки, ўсимлик, ҳайвон ва одам организми учун углеводлар асосий озуқа манбайи ҳисобланади. Булар организмнинг 80-90 % ни ташкил этади. Тирик организм углеводлардан иборат улар кислород, карбон ва водород атомларидан ташкил топган. Ўсимликларнинг нафас олишида углевод парчаланишидан ҳосил бўлган энергия тирик организмда кечадиган ҳаётий жараёнларни бошқаради. Углеводлар ўсимликларда ҳам фотрсинтез жараёнининг асосий маҳсулидир. Бу жараён CO_2 KH_2 OK ёруғлик энергияси-табиатда тўхтовсиз амалга ошиб туради. Табиатда углевод билан кислород ҳосил бўлмас экан, ҳаёт-яъни тириклик бўлиши мумкин эмас. Углеводларнинг бўлиши тирик организмларда оксилларнинг ва витаминларнинг ҳосил бўлишида асосий омил ҳисобланади.

Табиати водород фториди ва бошқа газлар билан заҳарланган Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи туманларида етиштириладиган меваларнинг таркибида углеводлар миқдори нисбатан экологик соғлом зонадаги туманларга қиёсланганда 30-40 %, ҳатто 60-70%гача кам эканлиги аниқланди. ТожАЗнинг заҳарли газлари Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларидаги қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосил сифатининг пасайишига, яроқсиз ҳолга келишига, озуқалигининг пасайиб кетишига олиб келди. Бундан Сурхондарё шимолий туманлари халқининг яшаш тарзи ёмонлашди, миллий даромади эса камайиб кетди.

Бугунги кунда номлари қайд этилган туманларда экилган қишлоқ хўжалик экинлари ва боғдорчиликдан олинадиган ҳосилнинг 60-70 % йўқотди. Иқтисодий зарарни чўтга ташлайдиган бўлсак, бир неча миллиард сўмни ташкил этади. Биргина Сариосиё туман хўжаликлари 1992-2005 йиллар ТожАЗ сабаб ишлаб чиқариш маҳсулотларининг камайиб кетиши натижасида туман иқтисодиётига жуда катта миқдорда зарар етказилган. Сариосиё, Узун, Денов туманларида қадимдан, севиб истеъмол қилинадиган меваси шифобахш дарахтлардан бири тут. Тут бизда деярли икки хонадоннинг бирида ўстирилади.

Манзили Балх бўлган оқ тут ва шотутлар қадимдан кўплаб экилиб келинган.¹

Бунинг илдизидан тортиб барги-ю чўпи ҳам дориворлик хусусиятига эга эканлигини буюк ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган. Ана шундай ноёб ва шифобахш мевали дарахтни ҳам алюминий заводи ўз домига тортиб юбораяпти. Бу муаммонинг бир томони. Унинг иккинчи томони, Сурхондарё вилоятида қадимдан ипакчиликнинг яхши ривожланганидир. Алюминий заводи ишга тушганига қадар бу соҳа республикамызда тут

¹ Экологик хабарномаси журнали экологик хавфсизлик бўлими. № 6/06/2010 йил. –Б 17. Бош муҳаррир Н.Умаров.

туфайли пиллачилик мақтовга сазовор номлари келтирилган туманларда пилла қурти етиштириш кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб бораверди.

Ҳозирги кунга келиб, бу соҳа мутлақо издан чиқди. Яъни пилла қурти табиий шароитга кўникма олмасдан қирилиб кетаяпти. Бу нарса ўз навбатида вилоят иқтисодиётига катта зарар келтирди. Алюминий заводи фаолияти тўхтатилмас ёки қўшимча мосламалар қурилмас экан пиллачилик билан мутлақо хайрлашишга тўғри келади. Булардан ташқари заводдан тарқалаётган захарли газ оқибатида йилига 150-200 тоннадан зиёдроқ пилла етиштирадиган Узун, Денов, Олтинсой туманлари пиллакорлари нобуд бўлаётган ипак қуртларини сувга оқизишга мажбур бўлаверадилар. Саноат корхоналарининг ўсиш жараёнига таъсир этадиган тупроқнинг табиатдаги ва жамиятдаги роли бекиёслигини эътироф этган ҳолда, тупроқнинг унумдорлиги ва мавжуд экологик муаммолар борасида ҳам турли хил масалалар вужудга келмоқда. Тупроқ унумдорлиги эса: сувни ўтказиш, тутиб қолиш, ўсимликларни таъминлаш ҳамда озуқа элементларни чиринди шаклида тўплаш, уни эрувчан минерал моддаларга айлантириш, яшил ўсимликларнинг бу моддаларга бўлган талабини қондириш қоибилияти билан характерланади. Тупроқ унумдорлик хусусиятига эга бўлган ер юзасининг устки қисмидир. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча озиқ-овқат ва кўплаб бошқа ҳаётий зарур маҳсулотларни бевосита тупроқдан олади. Шунга қарамадан кейинги йилларда ғалласи ўриб олинган майдонларда сомон поялари ҳамда унинг қолдиқларини ёқиб юбориш каби айрим ножоиз хатти-ҳаракатлар содир этилмоқдаки, бу кенг жамоатчиликни ранжитиш табиийдир.

Саноат корхоналарининг фаолияти билан содир бўлаётган салбий жараёнлар асосан инсон организмига шунингдек ҳайвонот ва ўсимликлар

ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда, ўсимликнинг био-хилма-хиллик жараёнига таъсир жуда кучли бўлмоқда.¹

Саноат корхоналарининг фаолияти ҳайвонот дунёсига зарари ва касалликлар турларининг келиб чиқиши бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Тожикистон АЗ дан чиқаётган бир неча хилдаги заҳарли газлар Узун, Сариосиё, Денов, Шўрчи, Олтинсой туманларидаги нафақат ўсимликлар дунёсига, балки унинг ҳайвонот оламига ҳам ҳудди шундай талофат етказмоқда.

Алюминий заводидан тарақалаётган чиқинди газлар вилоят чорвачилигига катта зарар етказ моқда. Биргина Сариосиё туманида 1992-2005 йиллар қорамоллар туёқ сони камайиб, хусусан 1992 йилда 8708 бош бўлса, 2005 йилга келиб 3912 бошга тушиб қолди.

Узун, Сариосиё, Денов туманларидаги чорва моллари кўй, эчки, от ва сигирларнинг базиларини тишлари тўкилиб кетган, сигир сутининг таъми бузилган, гуштларнинг сифати паст, водород фториди таъсирида суяклари мўртлашиб қолган, моллар ўз тана оғирлигини кўтариб туролмайдилар. Кўпчилик чорва молларининг тишлари тўкилиб кетганлиги сабабли, моллар овқатлана олмай нобуд бўлмоқдалар. Тўл олинадиган чорва молларнинг кўпчилиги ногирон, жисмонан заиф бола туғмоқда ёки бола ташламоқда. Уларнинг болалари кўпи билан 15-25 кун яшаб ўлиб қолмоқда. Ёш молларнинг кўпчилиги пуштсизлик балосига чалинган. Мана шунинг ўзи чорвачилигимизнинг ривожига катта зарба бўлмоқда. Алюминий заводига яқин бўлган тоғолди зоналари денгиз сатҳидан 800-1000 литр баландликда жойлашганлиги уучун ультрабинафша нурларнинг таъсир этиш интесивлиги юқори бўлади. Ўз навбатида олтингугурт, азот ва бошқа моддалар фотохимик реакцияга киришганда тирик организмнинг табиий чидамлилики хусусияти пасайиб боради. Шунинг учун ҳам алюминий заводи таъсири

¹ Халқ сўзи. 2008 йил 21 ноябрь. №227 (4637) Биохилма-хилликини сақлашга бағишланган анжуман. 1-бет.

доирасида яшаётган тирик организмлар ҳар қандай касалликка тез-тез чалинадиган бўлиб қолиши аниқланган.

Айниқса, она организмида тараққий этаётган эмбрионга фтор газы бошқа моддалар билан қўшилиб таъсир этсада, уларнинг келажаги хавф остида қолади. Тирик организмларда некроз, флюроз, нафас олишнинг бузилиши, туғма мажруҳлик каби ҳолатлар сони кундан кун йилдан йил ошиб бораётир. Бу ҳолат инсонларда ҳам ўз аксини топган. Бунга мисол сифатида Сариосиёдаги “Саховат” консерва заводининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайганлигини келтириш мумкин. Завод цехлари айнан ана шу заҳарли газлар туфайлигина бугунги кунда хувиллаб ётибди. Тожикистон АЗнинг заҳарли газ бирикмалари турли систематик таксонларга мансуб умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар организмига касалликлар борлиги исботланган.

Ҳайвонлар, тупроқ ҳайвонлари, судралиб юрувчилар, қушлар, сув ва қуруқликда яшовчи ва сут эмизувчилар попиляциясининг ҳаддан ташқари камайиб кетаётганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди. Бу муаммо аввал инсонларда кейинчалик ҳайвонот ва ўсимликлар оламига қай даражада зарар келтираётганлигини кўриб чиқдик. Биргина саноат корхоналарининг фаолияти билан бўлаётган зарарлар бутун инсониятнинг ҳаётига катта таҳдиди солмоқда.

**1-Боб.Ўзбекистоннинг жанубий вилоятида экологик ҳолатнинг
бузилиши ва унга сабаб бўлган омиллар.**

**1.2.Энергия тежамкорлиги:Гидротехник иншоотларнинг экологик
муҳитга таъсири.**

Энергетика ҳар бир одамнинг ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутди. У турли туман эҳтиёжларни қондириш имкониятларини бир неча баробар ортиришга имкон беради. Инсоният цивилизациясининг ривожини доимо ишлатилаётган энергиянинг ҳажми ва турлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Барқарор ривожланишга ўтишнинг ҳудудий ва маҳаллий миллий стратегияси аҳоли пунктларининг барқарор ривожланишига эришишларига кўмак берувчи локал ва ҳудудий зоналарнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш принципига асосланади. 1000 га яқин узоқда жойлашган, бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари ҳам ҳозирги вақтда электр энергияси, табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан тўла таъминланган эмас. Чўл ва тоғ ҳудудларидаги аҳоли пунктларида асосан дизель ёқилғисидан фойдаланилади. Бу бориш қийин бўлган ҳудудларга кўп миқдорда нархи ҳудди транспорт хизматлари каби доимий ўсиб боровчи қилғи етказиб беришни талаб қилади, бу эса аҳолига анча оғирлик қилади. Бундан ташқари, ёқилғи етказиб беришнинг ўзи техник жиҳатдан қийин, масалан, баҳорги ёки кузги ёғингарчиликлар чоғида бундай аҳоли пунктлари ташқи дунёдан узилиб қолади. Дизель қурилмалари эса малакали хизмат кўрсатишни талаб қилади, бу ҳам бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари шароитларида ҳал қилиниши қийин бўлган масаладир. Бундай қурилмалар ишлатилганда, шунингдек атроф-муҳит исгази углеводородлар, азот оксидлари, кўп миқдордаги ёниб улгурмаган углеводородларнинг маҳсуллари билан ифлосланади. Кўплаб чўл ҳудудларидаги аҳоли овқат пишириш, сув иситиш ва уйларни иситиш учун саксовул ва бошқа

ўсимликлардан фойдаланилади. Бунда ўсимлик ва ҳайвонот оламига, ерларнинг ҳолатига ўнгламас зарар етказилади. Шу сабабларга кўра узоқда жойлашган аҳоли пунктларидаги турмуш тарзи даражаси паст ҳолда қолмоқда, экологик вазият ёмонлашмоқда, аҳоли айниқса ёшлар яшаш жойларини ташлаб шаҳарларга кетиб қолмоқда. Атроф-муҳит ва атмосферани ифлослантиришнинг катта қисми ёқилғиэнергетика мажмуасига тўғри келади. Улар томонидан атмосферага чиқарилган олтингугурт, азот, углерод оксидлари узоқ жойларгача тарқалади, сув билан ўзаро тасирлашиб қуриқликка “кислотали ёмғир кўринишида тупроққа ва сувга салбий таъсир этувчи кислоталар эритмасига айланади.”¹

Бугунги кунда дунё бўйича йилига тахминан $5\cdot 10^9$ тонна нефть, $3\cdot 10^9$ тонна кўмир, $1,5\cdot 10^9$ тонна табиий газ қазиб олинади. Бу табиий бойликларни дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган энергия таркибидаги ҳиссаси қуйдагича: нефть ва газ 56 %, кўмир- 35 % қолган 15 % энергия, атом ва бошқа энергия манбалари ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, Республикамизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 90 % и иссиқлик энергия станциялари зиммасига тўғри келади. Биргина Тошкент ИЭСида 12 та энергияси блоки бўлиб, бир суткада 27-28 млн кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Ҳозирги кунда атроф муҳит муҳофазаси, экология масалалари бутун жаҳон, хусусан юртимиз фуқаролари олдида турган долзарб муаммодир. Шундай экан атроф муҳит, миллий бойликларни асрашда ҳеч ким четда турмаслиги, улғайиб келаётган ёш авлодни она табиатга, ўсимлик, ҳайвонот дунёсига муҳаббат уйғотиб, тежамкорликка одатлантирган ҳолда дунёқарашини шакллантириб бормоқлик керак. Марказий осийё сув хўжалиги инфратузилмаси сунъий равишда барпо қилинган, комплекс вазифани бажарувчи юзлаб сув омборлари, тўғонлар, насос, гидроэлектростанциялар ва кўплаб гидроузеллардан иборат. Бу инфратузилмада йирик тўғонлар, насос гидроэлектростанциялар алоҳида ўрин тутди. Халқаро йирик тўғонлар комиссияси

¹ Ходжаев М. Эко энергия муаммолари. №3 2010. –Б 33.

таснифига кўра 15 литр ва ундан баланди тўғонлар 5 дан 15 метргача чуқурликдаги сув омборларини ҳосил қилувчи тўғонлар йирик тўғонлар таркибига мансуб. Мутахассисларнинг таҳлиллига кўра, минтақада жойлашган гидротехника иншоотлари уларга лойиҳаларда белгиланган иқтисодий ва техникавий талабларни кўп жиҳатдан амалга оширмоқда ва эришилган ижобий натижалар салмоқлидир. Йирик тўғонлар ва улар эвазига ҳосил бўлган сув омборлари минтақадаги мамлакатлар ижтимоий иқтисодий ривожланишдаги ва экологик барқарорликни таъминлашдаги функцияларига кўра ўта муҳим ҳисобланади. Улар ёрдамида ирригация, ичимлик суви таъминоти, гидроэнергетика мақсадларида сув ресурсларининг фасллик ва кўп йиллик бошқаруви амалга оширилади. Шу билан бирга улар сув тошқинларини селлар ва қурғоқчиликка қарши курашишда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Иккинчи томондан, бундай тўғонлардаги авария, емирилиш оқибатлари натижасида катострафик ҳолатлар, пастги ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотларни аҳоли яшаш пунктларини сув босиш хавфи билан биргаликда йирик экологик мутоносиблик бузилиши мумкин.

Кенг кўламдаги гидротехника қурилиши йирик гидротехника иншоотларини бунёд этиш ва эксплуатация экотизимини балки физика-географик тавсифни ўзгартиради, балки ишдан чиқишлар, норозиликлар, бузилишлар натижасида йирик авария ва технологик фавқулотда вазиятларни келтириб чиқариш хавфига ҳам эгадир. Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини бошқариш, мавжуд экотизимни сақлаш механизмини шакллантириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш ишлари 2004 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодиёт Комиссияси кўмагида Марказий осие мамлакатлари экспертлари ва мутахассислари иштирокида амалга ошириб келинмоқда. Бу давр мобайнида гидротехника иншоотлари хавфсизлигига бошқариш, мавжуд экотизимни сақлаш механизмини шакллантириш бўйича амалий механизмини

шакллантириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш ишлари 2004 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодиёт Комиссияси кўмагида Марказий Осиё мамлакатлари экспертлари ва мутахассислари иштирокида амалга ошириб келинмоқда. Бу давр мобайнида гидротехника иншоотлари хавфсизлигига оид махсус қонун модели ишлаб чиқилди. Бу даврда гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлараро шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлашда давлат бошқарувида эришилган тажрибаларни ўрганиш мақсадида 2009 йил Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари иштирокида минтақавий ўқув семинари иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.¹ Буларни ҳисобга олиб 2010 йил ҳам ушба мавзунини давом эттириш режалаштирилмоқда. Трансчегаравий дарёлар, сойлар ва магистрал каналлардаги гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш кўп босқичли масалаларини қамровчи вазифаларни амалга оширишни техник-меъёрий ҳужжатларни, иншоотлардан фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларни мувофиқлаштиришни талаб этади.

Трансчегаравий дарёларда гидротехника иншоотларни барпо этишда минтақадаги давлатларнинг манфаатларини, хавфсизлигини инобатга олиш, бу иншоотларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги долзарб масалага айланиб қолди. Марказий Осиё мамлакатларида гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлашда илмий техник ҳамкорлик ўрнатиш, техник ҳолатини биргаликда кузатиш ва инспекторлик текширув ишларини амалга оширишни, фақулдда ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва тарафларни олдиндан олиш, уларни бартараф этиш ва олдиндан огоҳлантириш масалаларида халқаро институтционал механизмни яратишни ўз ичига олган гидротехника иншоотлари хавфсизлиги бўйича Марказий

¹ Камолов Т. Экология хабарномаси. Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги ва экологик муҳитга таъсири. Т. №.6 2010. –Б 35.

Осиё мамлакатлари ҳукуматлараро шартномасини мувофиқлаштириш ва қабул қилиш минтақада экологик мувозанатни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, Тожикистон раҳбарияти томонидан Роғун ГЭСининг ўтган аср 80-йилларида бошланган қурилишини, орадан 25 йилдан кўпроқ муддат ўтгач, яна давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Агар ушбу объектининг бундан қарийиб 40 йил олдин тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари ўша йиллар андозалари, лойиҳавий ва конструкторлик ечимларга асосланганлиги, улар аллақачон эскирган бўлиб, қайтадан кўриб чиқиш ва жиддий тузатишлар киритишни талаб этиши инобатга олинадиган бўлса, бундай қарор чинакамига жиддий ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас.

Бордию, Роғун ГЭСидек баҳайбат ва мураккаб сув иншооти қурилишига қайтадан киришиш мазкур объект лойиҳа ҳужжатлари ўз таркибига соҳанинг энг юксак малакали мутахассисларини олган мустақил халқаро эксперт комиссияси томонидан атрофлича экспертизадан ўтказилганидан кейин бошланганида эди, бу ҳолни тушуниш мумкин бўларди.

Агар ушбу лойиҳа тайёрланган совет даврида мустақил аудит ва мустақил экспертиза ўтказиш амалиётда қўлланилмаганлиги назарда тутиладиган бўлса, бундай экспертизанинг зарурлиги янада яққолроқ аён бўлади.

Жаҳон банки раҳбарияти Роғун ГЭСи қурилиши юзасидан зарур тадқиқотлар ўтказиш бўйича мустақил экспертлардан иборат халқаро комиссия тузишга розилиги тўғрисида бир неча бор энг юқори даражаларда ўз фикрини баён этди. Ўзбекистон республикаси президенти Р.Зеллик 2009 йил 15 апрелда қуйидагича жавоб берган эди: Тадқиқотларни Жаҳон банкининг тартиб-қоидаларига мос равишда жалб қилинадиган, халқаро миқёсда эътироф этилган консалтинг компанияларини олиб боради.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, банк тадқиқот натижалари бўйича мустақил хулоса берадиган халыаро мустақил экспертлар комиссиясини таъсис этади. Жаҳон банки ошкораликни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқиладиган бўлади.¹

Роғун ГЭСи қурилиши атрофида юз берган вазиятни холисона баҳолаган ҳолда, Ўзбекистон томони Тожикистон бош вазири О.Оқилов номига жорий йилнинг 3 феввалида йўллаган мактубида мазкур гидроиншоотнинг қурилиш лойиҳаси халқаро мустақил мутахассислар томонидан экспертизадан албатта ўтказилиши лозимлиги масаласига яна қайтишга сўраган эди. Бироқ бош вазирдан олинган жавобдан кўриниб турибдики, Тожикистон ҳукуматининг бундай экспертиза ўтказилишига хоши йўқ ва буни мақсадга мувофиқ, деб билмаяпти.

Боз устига, бош вазир Жаҳон банки минтақадаги манфаатдор ҳукуматлар билан Роғун ГЭСи лойиҳасини экспертиза қилиш ва кенг қамровли тадқиқот ўтказиш юзасидан техник вазифаларни тайёрлаш масалалари бўйича дастлабки босқичда ўтказган маслаҳатнинг ўзини етарли, деб ҳисобламоқда. Шундлан келиб чиқиб, бош вазир мазкур масала бўйича Жаҳон банки билан бундан буён ҳамкорлик қилишга ҳожат сезмаяпти. Бош вазирнинг 2006 йилда россиянинг “Русал” компанияси буюртмасига асосан, немисларнинг “Lohmeyer” компанияси томонидан Роғун ГЭСи лойиҳаси бўйича экспертиза ўтказилган, деган яна бир фикри ҳақиқатга тўғри келмайди.

¹ Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 23 февраль. № 37 (4952)

“Русал” компанияси ва “Lohmeyer” ўртасидаги битимда лойиҳани тўлақонли экспертизадан ўтказиш эмас, балки Роғун ГЭСи қурилишини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш кўзда тутилган. Аслини айтганда, “Lohmeyer” компанияси экологик ва техноген хавфсизлик масаллари билан шуғулланмаган ва шуғулланиши мумкин ҳам эмас, чунки мазкур компания бундай вазифаларини ҳал этишни кўзда тутмаган.

Яна ва яна таъкидлаб айтишга тўғри келадики, Ўзбекистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасининг холис халқаро экспертизадан ўтказилишидан мақсад ва маънони, энг аввало 2009 йилда Саян-Шушенск ГЭСда юз берганидек техноген талофатлар содир бўлишининг олдини олади.

Дунёдаги ушбу йирик гидроиншоотнинг лойиҳаси ишлаб чиқилган йилларда ва ўша лойиҳалаш институтлари томонидан тайёрланган эди. Дарвоқе Саян-Шушенск ГЭСи тўғонининг баландлиги Роғун ГЭСида барпо этилиши кўзда тутилаётган тўғондан анча паст ва бунинг устига, Сибирь ерларида Тожикистондаги каби кучли ҳалокатлаи zilzilalar юз бермайди. Агар Роғун ГЭСи қурилиши учун танланган манзил 10 балли сейсмик ҳудудда ва тектоник ёриқ линиясида жойлашганлиги инобатга олинadиган бўлса, баландлиги 350 метрлик тўғоннинг ўпирилиши қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас. Шу вазифалар билан бир қаторда, экспертиза Роғун ГЭСи қурилиши натижасида Марказий Осиё минтақаси кенгликларида юз берадиган экологик ўзгаришлар ҳамда сув тақсимооти мувозанатидаги бузилишлар кўлами ва чегараларини ҳам аниқлаб бериши керак. Минтақадаги экология ва сув мувозанатида юзага келган омонат ва танг ҳолат ҳамда Орол денгизининг қуриши туфайли пайдо бўлган муаммолардан келиб чиқилса, бу вазифанинг нақадар муҳимлиги ғоятда равшан бўлади.

Табиий савол туғилади: тожикистон ҳукуматига Роғун ГЭСидек, ўз кўламига кўра ғоятда улкан гидроиншоот лойиҳасини халқаро талабларга

тўла мувофиқ равишда мустақил халқаро экспертизадан ўтказишга рози бўлишга нима халақит бераяпти?

Бинобарин, бунинг учун тожикистон томонидан ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди, чунки худди шу мақсадлар учун Жаҳон банкининг гранти ажратилиши кўзда тутилаяпти. Бу ўринда фақат битта жавобни кутиш мумкин. Агар тўлақонли халқаро мустақил экспертизадан ўтказишга рози бўлишга нима халақит бераяпти?

Бинобарин, бунинг учун Тожикистон томонидан ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди, чунки худди шу мақсадлар учун Жаҳон банкининг гранти ажратилиши кўзда тутилаяпти. Бу ўринда фақат битта жавобни кутиш мумкин. Агар тўлақонли халқаро мустақил экспертиза, чиндан ҳам лойиҳада катта кўламдаги хавф назарда тутган ҳолда шундай деб ёзади: “Шунинг учун ўзаро келишиб иш тутмоқ лозим. Акс ҳолда, Ўзбекистоннинг Роғун ва Қамбарота ГЭСларининг ишини, агар улардан бирортаси қурилса ҳам ҳатто ҳарбий йўл билан бўлсада, тўхтатиб қўйишга ҳеч нарса монелик қила олмайди. Ўзбекистон раҳбарияти бундай ҳаракатлар билан нафақат ўзининг ўн миллионлаб аҳолисини балки Қамбарота лойиҳалари таъсир доирасида жойлашган Қирғизистоннинг Фарғона водийсидаги уч вилояти (Ўш, Жалолобод, Боткент ва Тожикистоннинг бир вилояти (Сугд) аҳолисининг ҳам хавфсизлигини таъминласа, у ҳар томонлама ҳақ бўлиб чиқади”.

Сув миқдори камайиб, тақчиллиги ортиб бораётган бир пайтда янги тўғонларни қуриш, жиддий ўрганиб чиқмасдан туриб улардан хатар мавжудлигини тасдиқлайдиган бўлса, у ҳолда лойиҳани қайтадан кўриб чиқиш ва тузатиш талаб қилинади ёки умуман, мазкур объектни маблағ сарфлашнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги жиддий шубҳа остида қолиши мумкин.

Вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони Роғун ГЭС лийҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш ва фақат шундан

кейингина унинг қурилишини давом эттириш зарурлигини Тожикистон томонига тушунтира олишга умид билдиради. Бу жараён оддий мантиқ ва соғлом ақл идрок шуни тақозо этади.¹

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидротехника иншоотларини қуриш лойиҳалари уларнинг, шошма-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага ҳолисона ёндошадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга салмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экологик ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги хусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда.

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидан қўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, МДХ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князов ҳақиқий мансуб қатор интернет нашрларида эълон қилинган Ҳақиқат эмас, фасона: Ўрта Осиёдаги лига-ГЭС тақдири номаълумлигича қолмоқда” сарлавҳали мақолада ушбу муаммо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи нуқтаи назаридан чуқур ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни айтиб қайд этиб ўтиш керакки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифининг тахминларига асосланган қараши эмас ва уни кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилаётганликда айблаб бўлмайди.

Муаллиф ҳақли равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаравонлигини ва уларни сув билан тامينлайдиган яхлит манба эканини таъкидлайди. Шу билан бирга олим Ўзбекистоннинг трансчегаравий Сирдарё ва амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган.

¹ Халқ сўзи. 2010. 23 февраль. № 37 (4952)

Тоҷикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидротехник иншоотлар қурилишининг амалга оширилиши, биринчи навбатда Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон ва Туркменистон хавсизлигига катта таҳдид солаётгани ҳақида гапиришга мажбур этмоқда” деб ёзади А.Князев.

Айни пайтда эксперт қуйидагиларга эътибор қаратади: Бу каби объектларини қуришни тартибга соладиган қатъий халқаро нормалар мавжуд бўлсада, улар ушбу дарёлар юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан инкор этилмоқда. Бироқ Қирғизистон ҳам Тоҷикистон ҳам ушбу соҳага оид бирон-бир халқаро конвенцияни имзоладилар.

Бунда гап, масалан Россия 1996 йилнинг октябридан буён бажариб келаётган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хелсинки, 1992 йил 17 март) Кема юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция Нью-Йорк, 1997 йил 21 май ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Аммо ўз миллий манфаатларини худбинларча ҳимоя қилишдан бошқа нарсани тушунишни истамаётган ва ўз иқтисодиётини қутқаришнинг бирдан-бир чораси сифатида ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мазкур икки республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдамига тинимсиз кўз тиккан ҳолда ярим қўлбола усулда амалга оширишни ўжарлик билан талаб қилмоқда.¹

Шунингдек, эксперт ҳудудида трансчегаравий сув оқимлари ҳосил бўладиган мамлакат уларни ўз билганига тасарруф қилиши ҳақидаги фикрнинг бемаънилигини, дарёларнинг қай бири ички, қай бири ташқи экани хусусидаги баҳсларнинг асоссизлигини қайд этади. “Норин Сирдарё ва Амударёдан Вахшни ажратиб бўлмаслигини ва улар айнан трансчегара сув оқимлари эканини ҳисобга оладиган бўлсак (бунинг учун харитага қарашнинг ўзи кифоя), Қирғизистон Қамбарота ГЭСини Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг розилигисиз қуришга мутлақо ҳақли эмас.

¹ Халқ сўзи. Марказий Осиё минтақасидаги гигант ГЭСлар. 2010 й. 4 март. № 44 (4959) саҳифа.

Тоҷикистоннинг эса трансчегара дарё оқими бўйлаб жойлашган наафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон балки унинг қуйи қисмидаги Туркманистоннинг ҳам розилигисиз ГЭС қуришга ҳеч ҳақли эмас. Тоҷикистоннинг эса трансчегара дарё оқими бўйлаб жойлашган наафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки унинг қуйи қисмидаги Туркманистоннинг ҳам розилигисиз ГЭС қуришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Вахш ички дарё экани ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, у амударёнинг асосий ирмоқларидан биридир ва шу боис мазкур ҳолатда трансчегара дарёлардан фойдаланиш бўйича барча халқаро принципларга риоя этилиши шарт” деб таъкидлайди А.Князев.

Роғун ГЭСидаги ҳозирги аҳволни Қирғизистон ҳам “ўз кучи” билан қураётган 2 –Қамбарота ГЭСи атрофида рўй бераётган вазият билан таққослаш қийин эмас. Ушбу ҳар икки қурилиш, қаттиқ талабдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, аввало ўз халқига қолаверса кўшни мамлакатларга қарши қаратилган жиноятдан ўзга нарса эмас. Бу қурилишлар фисати зарур талабларга асло мос келмайди барпо этилаётган 2 Қамбарота ГЭСи тўғони бунга яққол мисолдир. Ўтган йилнинг декабрида қирғизистонлик гидроқурувчилар ўзларига тупроқни кўчириш учун ноёб портлашиш ишларини амалга оширган бўлсада, кутилган натижаларга эриша олмадилар. Тўпланган тупроқ уюми лойиҳада кўзда тутилган баландликка етмагани, портлатишиш ишларида йўл қўйилган хатолар натижасида кўплаб бўшлиқлар пайдо бўлгани ва ҳозир улар ташқаридан тупроқ олиб келиш йўли билан қўлбола усулда тўлидириляётгани хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Демак, бундай иншоотнинг хавфсизлиги ҳақида умуман гапиришнинг ҳожати йўқ, деб қатъий таъкидлайди.¹

Олим ҳозир фаолият кўрсатаётган гидроэнергетика иншоотларининг хавсиз ишлашини таъминлаш масаласи мутахассислар томонидан бир неча бор кўтарилганини қайд этади: “СССРдан Тоҷикистонга мерос бўлиб қолган

¹ Халқ сўзи. Гигант ГЭСлар лойиҳалари. 2010 йил 4 март № 44.

Нурек ГЭСи, Қирғистонга мерос бўлиб қолган Тўхтағул ГЭС ва уларнинг сув омборларини тартибга солишнинг ўзи долзарб масала. Ҳар икки ҳолатда ҳам тўпланиши, объектив сабаблардан ташқари собиқ совет давридан буён ҳеч ким ушбу станцияларда жиддий профилактика ишлари олиб бормагани билан боғлиқдир. Яқинда Нурек ГЭСида рўй берган авария катта талофатларга олиб келмаган бўлсада, бу авария Тожикистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам ниҳоятда жиддий хатар қўнғироғидир”.

А.Князев ушбу муаммони энегетика мақсадларида фойдаланиш сув баланси ҳамда барқарор ривожланиш борасида ўта салбий оқибатларини келтириб чиқариши ҳақида қатъий фикрга келиш мумкин, деб ёзади А.Князев.

Эксперт мамлакат манфаатларига ва аҳолиси хавсизлигига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган талабларни мутлақо тўғри ва ҳақили, деб ҳисоблайди. “Ҳар бир мамлакат, албатта, ўз миллий манфаатларини кўзлайди, шу сабабли бу борадаги бирдан бир тўғри йўл-томонларнинг муросага келиши, бир-бирига ён беришидир.” Ўзбекистоннинг муросага келиши, бу борада позициясини дўқ-пўписа, деб қабул қилмасак керак, балки унинг юзага келган ҳолатдан жиддий ташвишланаётганини тўғри тушуниш лозим. Ўзбекистон раҳбарияти қайд этилган ҳар икки лойиҳада Ўзбекистон республикаси манфаатлари ҳисобга олинмас экан, ҳағам Тожикистон ҳам Қирғизистонга қарши ҳозирданоқ энг қатъий чораларини қўллаш ҳақида ўйлашга мутлақо ҳақлидир. Бунда тўғонларнинг қизиққонлик билан муҳокама этилаётган эмас, балки уларнинг сифати, сув омборларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳажмининг илмий асослангани, энг муҳими- ушбу иншоотларнинг мустаҳкамлик даражаси, хавсизлик билан боғлиқ барча жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш керак деганидир.

Муаллиф ўз мақолисада россиялик ҳамкасбларининг мазкур лойиҳадалар борасида асоссиз, энергетика ресурсларидан саводсизларга фойдаланиш, самарадорликнинг пастлиги, қўлланаётган технологиялар

малакали муҳандис ва ишчи кадрларнинг қолоқлигини эътироф этаётганини ҳеч келтиради.

Ва ниҳоят, бундай йирик гидроэнергетика иншоотлари қурилиши ташаббускорларнинг энг сўнгги асоси, яъни ушбу иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш натижасида олинadиган катта иқтисодий фойда ҳақидаги тахминлари олимлар томонидан шубҳа остига олинмоқда. Олимлар томонидан Гигант лойиҳаларнинг иқтисодий мақсадига мувофиқлиги ҳам жуда шубҳали, деб ёзади.

Бунда олим аҳолини электр энергияси билан таъминлаш учун Қирғизистонда ҳам Тожикистонда ҳам кичик ГЭС тармоқларини қуриш самарали, иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва хавфсиздир, деган қатъий хулосага келади.

Муаллиф юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг бўлажак ташқи иштирокчилари ҳақида гапирар экан, шундай деб огоҳлантиради: “Хитой томони бир неча йил муқаддам Тожикистонда Роғун ва Қамрбаотага ўхшаш, аммо нисбатан кичик Зарафшон ГЭСи қурилиш бўйича лойиҳани минтақадаги етакчи мамлакат Ўзбекистон билан келиб чиқиши мумкин бўлган можаро ёмон оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда, тезлик билан тўхтатиб қўйганини эсга олиш кифоя”.

Яқинда Қирғизистоннинг гидроэнергетика лойиҳаларида иштирок этиш ҳақидаги таклифлари ҳам Хитойда қўллаб-қувватланмайди. Шу муносабат билан А.Князев ҳақли равишда таъкидлайди: “Табиийки, Россиянинг хориждаги гидроэнергетика бўйича фаоллиги, Қирғизистон ва Тожикистондаги лойиҳаларда бўлгани каби, минтақавий зиддиятлар манбаига айланмаллиги лозим ва бундай ҳолат юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас”.

Чоп этилган мақоладаги ҳамма фикрларни ҳам тўғри дейиш қийин, албатта. Олимнинг барча таклиф ва хулосаларига, хусусан сув-энергетика консфциумини ташкил этиш бўйича кўп маротаба муваффақиятсиз муҳокама

этилатган масала юзасидан билдирилган фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Бироқ А.Князевнинг муаммо жиддийлигини Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатларида яшаётган миллионлаб одамлар хавсизлиги солиши мумкин бўлган катта хавф борасидаги ташвишини англаб етгани ниҳоятда муҳимдир.¹

¹ Халқ сўзи. Гигант ГЭСлар лойиҳалари. 2010 йил 4 март № 44.

11.Боб.Мамлакатимизда экологик ҳолатни барқарорлаштириш масалалари.

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, атроф муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни сақлаш ва тиклаш сингари масалалари ечимини топиш дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган муаммолардан бўлиб қолди. Бошқача айтганда, ёгингарчиликнинг камайиши, кутилмаганда ҳароратнинг кўтарилиши ёки пасайиши оламшумул воқеага айланиб, барчани ҳушёрликка чорламоқда.

Бундай ҳолатлар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, афсуски, кейинги пайтларда улар кўпроқ антропоген, яъни инсоният фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага чиқаётир.

Мавжуд муаммоларни энг хавфлиларидан бири, шубҳасиз озон қатламининг емирилиш натижасида кузатиладиган фалокатдир. Ўтган асрнинг 80-йилларида ўша пайтгача зиёнсиз, деб ҳисобланган айрим кимёвий моддалар аслида она заминни қуёшнинг зарарли нурларидан муҳофаза қилувчи озон қатламини емирилишига олиб келаётгани маълум бўлди. Хусусан, Антрактида устида мавсумий “азон туйнугини” топилиши инсоният қандай хавф қаршисида турганини ойдинлаштирди.

Табиийки, иқлим ўзгаришига инсон фаолияти натижасида келиб чиқаётган исиш жараёни қўшилаётгани ҳам ташвишланарлидир. Афсуски, иқлим ўзгариши ҳаво ҳароратининг шунчаки кўтарилишини англатмайди “Глобал иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг шунчаки ўзгариши кўтарилишини англатмайди. Исиш ва ўзгаришнинг бир кўринишидир. Қайд этилган муаммолар инсониятга ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жиддий зиён етказаётгани эса, ўз навбатида, табиат қонунларида эндиликда нотабиий вазиятлар пайдо бўлишига олиб келаяпти. Шунинг ўзи бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.”

Таъкидлаш керакки, юртимизда табиатни асраш, атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1992 йилда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва ушбу қонун доирасида эса яна кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган.

Қатор халқаро ташкилотлар билан самарали алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан олинган маълумотларга кўра 2010 йили атроф-муҳит муҳофазасига доир дастурларнинг ижроси юзасидан олиб борилган ишлар натижасида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши сезиларли даражада камайгани кузатилмоқда. Бу Киота протоколига биноан кўрилаяётган чоратадбирлар туфайли “Навоийазот”, “Фарғонаазот”, “Максам-Чирчиқ” сингари корхоналарда атмосферага заррали ташланмаларни қисқартириш бўйича янги технологияларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилгани самаралидир. Ўзбекистон шунингдек, Вена конференцияси, Монреалк протоколи сингари қатор халқаро ҳужжатларни ҳам ратификация қилиб уларнинг талаблари бажарилишини таъминлаб келмоқда. Бундан ташқари бу борада омманинг хусусан, ёшларни билим ва тушунчаларини ошириш учун бошқа кўплаб халқаро ҳамда маҳаллий ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатганмиз-дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош мутахассиси Хония Асилбекова

-Жумладан, яқинда Британия Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда Иқлим ўзгариши муаммолари бўйича халқаро ҳаракат дастури доирасида семинар тренинг ўтказдик. Унда иқлим ўзгаришининг оқибталарини юмшатишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича фикр алмашилди. Уларнинг бу борадаги ғояларини кўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди. Қолаверса, ҳозирги кунда озон қатлами ҳақидаги маълумотлар мактаб дарсликларида ҳам тўлиқ баён этилган. Чунки озон қатлами умуман табиат ҳақида етарли тушунчага

бўлсаккина уни асраб-авайлашга интиламиз. Табиатни муҳофаза қилиш эса ҳаётни ўзимизни хавф-хатардан ҳимоялаш демакдир.¹ Тожикистон Алюминий заводининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукумати ўртасида маълум ишлар амалга оширилди. 1994 йилнинг 14-сентябрда Тошкент шаҳрида Тожикистон алюминий заводи таъсир кўрсатаётган ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон томонидан мазкур битим асосида тузилган дастурнинг 5,6,7 ва 9 бандлари бажарилган бўлса-да дастурнинг қолган бандларини Тожикистон ҳукумати бажармай эътиборсиз шартномани қолдирди. Мазкур келишувни тиклаш мақсадида 1994-1998 йилларда яна чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни мувофиқлаштириш ҳамда келишув ижросини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди. 1995-1996 йиллар ҳар икки давлат ўртасида мазкур ҳужжат ижросини назорат қилувчи ҳукуматлараро маъсул тузилманинг иккита йиғилиши ўтказилди. Келишувга кўра белгиланган тадбирни амалга ошириш учун томонларнинг олим ва мутахассислари йиғилиб гуруҳларга бўлинди. Мазкур келишувга асосан “1996-2000 йилларда Тожикистон алюминий заводидаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича илмий тадқиқот ва техник ишлар дастури ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Тузилган дастур қиймати 284 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиб, алюминий заводи ҳудудидаги экологик ҳолатни баҳолаш ва яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси кўзда тутилган эди. Афсуски кейинчалик мазкур дастурнинг муҳим бандлари алюминий заводи томонидан молиялаштирилмаганлиги сабабли бажарилмай қолиб кетди. Давлатлар ўртасида тузилган дастурга асосан режа бўйича Тожикистон томонидан Сарисойё туман ҳудудидаги ҳавосидан водород фториди қолдиғи азот 11 оксиди олтигугурт ангидридидан намуна олиб текшириш олиб боришлари керак эди. Аммо бу ишлар 1994 йилдан бугунги кунгача қилинмади. Яъни

¹ Халқ сўзи газетаси Муамолар ечими ўз қўлимизда. 2011 йил.

Тоҷикистон ҳукумати ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармади. Бундан ташқари келишувнинг 5-моддасида белгиланган тадбирлар ҳам амалга оширилмади. Тоҷикистон алюминий заводининг зарарли таъсири остида Сурхондарё вилоятининг Сарисой, Узун, Шўрчи, Олтинсой ва Денов туманлардаги экологик муҳит ҳанузгача жиддий бўлиб келаяпти. Алюминий заводи таъсири кучи ёйилган ҳудудда 600 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги кунда воҳа аҳолиси томонидан тушаётган шикоятлар сон яна ҳам кўпайиб кетди. Вазиятни экологик заҳарланган жойларда ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидромет маркази, Эргеодезкадастр қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, сурхондарё вилояти ва туманлардаги алоқадор муассаса эксперт гуруҳлари ҳамда халқаро ва нодавлат ташкилотлари иштирокида вилоятнинг Денов, Узун, Шўрчи, Олтинсой ва Сарисой туманларига борилди. Мутахассислар аҳоли билан суҳбат қилди. Хўжаликлардаги бал, полиз экинлари кўздан кечирилди. Пилла ишлаб чиқариш бўйича аҳвол билан яқиндан танишдилар. Жумладан дастур иштирокчилари Тоҷикистон алюминий заводи чиқараётган заҳарли газининг аҳоли саломатлигига, экологикга ва қишлоқ хўжалигига катта зарар етказаяётганлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси номлари қайд этилган вазирликлар, идоралар илмий тадқиқот институтлари халқаро ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда кўндаланг турган муаммоларнинг ечимини топиш Тоҷикистон алюминий заводи таъсирини камайтириш ва уни бартараф этиш мавзусида давра суҳбати ўтказди. Тавсиялар билан бирга аниқ чора-тадбирлар ҳам фикр юритилди. Конституциямизда инсоннинг яшаш ҳуқуқ ва эркинлиги унинг ажралмас ҳуқуқи сифатида ўз аксини топган. Аммо биз бу ҳуқуқни сақлаш учун ҳисса қўшаяпмизми? Яқинда 2006 йилда атроф муҳит софлиги, экология тўғрисида халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда БМТ

Жаҳон тараққиёт банки, Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида бир неча хўжалик ва корхона ва муассасаларга боришиб айти пайтда мавжуд ҳолатларни ўз кўзлари билан кўришди.¹ Аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб мавжуд аҳволни бартараф этиш борасида маслаҳатлар беришди.

¹ Хуррамов Ш., Ўташев Ш .Талофат. Т.2007.-Б 27-28.

11.Боб.Мамлакатимизда экологик ҳолатни барқарорлаштириш масалалари.

2.1.Ўзбекистонда экологик ҳолатни барқарорлаштириш бўйича давлат дастури.

XXI асрда жаҳон глобал экологик муаммоларидан бўлмиш атроф муҳитнинг сезиларли даражада ўзгариш таҳдиди табиий экотизимлар таназзули географиясининг кенгайиши биохилма-хилликнинг қисқариб бориш ҳолатлари ишлаб-чиқариш корхоналари ҳамда хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири ва дунё ҳамжамияти олдидаги ечимни кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча жабҳалар қатори экологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ташкилий ижтимоий, ҳукукий чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб изчиллик билан амалга оширилмоқда ва бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, олиб борилган амалий ишлар натижасида атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг сезиларли пасайиши асосий сув ҳавзалари ҳолатининг яхшиланиши пестицидлар қўлланишининг камайишига эришилди. Шу билан бир қаторда айрим минтақий хусусиятга эга экологик муаммолар ҳам мусаффолигига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Хусусан, атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланиш жараёнлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳамда аҳоли саломатлигига эга ва экологик ҳолатга салбий таъсир этиб келмоқда. Жумаладн, “Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонаси ишлаб чиқариш заводи фаолияти Сурхондарё вилоятининг чегара туташ туманларида олтингугурт диоксиди ва азот диоксиди фторли водород ва олтингугурт диоксиди йиғиндилари таъсирида ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Аҳоли орасида ҳам худди шу сабаб туфайли турли касалликларга чалиниши ҳоллари кўпайиши кузатилмоқда. Вилоятнинг Узун, Сариосиё, Денов ҳамда Узун Жарқўрғон туманларида аҳоли саломатлигини ўтказилган мониторинг

натижалари шундан далолат берадики мазкур ҳудудда болалар ўсмирлар ва катта ёшдагилар анкологик наафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари эндокрин тизими касалликларга чалинмоқдалар. Бугунги кунда энг асосий мақсадларимиздан бири: юртимиз келажаги бўлган ёш авлодга экологик соғлом муҳит қолдириш ҳамда уларни баркамол шахс этиб тарбиялашдир. Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлагандек: “барча эзгу ниятларимиз марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний ҳам маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб, ўстириш уларнинг бахту-саодати фаровон келажагини кўриш дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.” 1997 -2003 йилларда Ўзбекистон-Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонаси томонидан келтирилган иқтисодий ва ижтимоий зарари ҳисоблаб чиқиб Гидрометрология илмий-тадқиқот институти миллий ходимлари уни 22,83 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоладилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитнинг муҳофаза қилишнинг 1999-2005 йилларда мўлжалланган ҳаракат Дастури тўғрисидаги” қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида “Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонасининг минтақадаги экологик ҳолатга салбий таъсирини яхшилашга ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишувни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ҳукумат ҳавосининг фторли водород ва Сариосиё туманидаги назорат постлари зарур асбоб ускуналар билан қўшимча жиҳозланди”. Атмосфера ҳавосининг фторли водород билан ифлосланиш даражасини назорат қилиш учун Жаҳон банкининг “табиатни муҳофаза қилиш органлари тизимининг ишини такомиллаштириш лойиҳаси бўйича грант маблағлари ҳисобидан 2003 йилда ҳаво таркибидаги фторли водород моддасини аниқлашга мўлжалланган “Тек-4” газ таҳлил қилич ускунаси ишга

туширилди.”¹ 2004 йилда Осиё тараққиёт банкининг ҳудудий лойиҳасини бажариш доирасидаги келишувга биноан Ўзбекистон томонидан Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонаси жойлашган минтақадаги экологик ҳолат масалаларини кўриб кун тартибига киритилган бўлиб, улар Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Юсаид ва Тожикистон Республикаси вакиллари томонидан 2004 йилнинг март, май ва август томонидан ойларида ўтказилган учрашувларда муҳокама қилинди. Тожикистон делегацияси билан Осиё тараққиёт банкининг халқаро экспертларини жалб этган ҳолда “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси ҳудудида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ўтказилиши ҳақида муайян келишувга эришилди.

Барқарор экологик тараққиётнинг халқаро, минтақавий муаммоларни ҳам ҳал этиш учун барқарор ривожланиш концепцияси ва Миллий стратегияси “XXI аср кун тартиби”, атроф-муҳит муҳофазаси, биологик хилма-хилликни сақлаш чўлланишга қарши курашиш, озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, чиқиндиларни бошқариш Миллий ҳаракат режалари, парник газлари эмиссиясини камайтириш Миллий стратегияси ва бошқарор қабул қилинди.²

Ўзбекистон экологик жиҳатдан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар ҳаракат дастурининг стратегик мақсади ҳам табиий экотизимларни сақлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, барқарор ривожланиш учун уларнинг яхлитлигини ва ҳаётий зарурият функцияларини мўътадил сақлашга, ҳаёт фаровонлигини ошириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, мамлакатнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги салбий оқибатларнинг олдини олиш катта тажриба оширилди ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан,

¹ Экоҳаракат. Атмосфера ҳавоси. 2001. 12 март. №11 (180)

² Экоҳаракат Атмосфера ҳавосининг бузулиши 2010 йил 12 март № 11 (180)

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тартибга солишни кўзда тутадиган қарийиб 20 та қонун ва 350 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакатимиз экологик хавфсизлик сиёсати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қонунлари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепсияси атроф-муҳит ва барқарор ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йохеннесбург Декларацияларининг тамойиллари асосидаги халқаро конвенция ва шартномалардан шунингдек етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги илғор тажрибалардан келиб чиқилган ҳолда олиб борилган.¹

Атмосфера ҳавосини трансчегаравий муҳофаза қилиш умумжаҳон экологик муаммоларидан саналади. Бу борада 1979 йил қабул қилинган БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг (ЕИК) “Атмосферавий ҳавосининг узоқ масофаларида трансчегаравий ифлосланиши тўғрисида”ги Конвенцияси атмосфера ҳавосининг ифлослантиришга қарши курашишда ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун асос яратди. 1984 йилдан бошлаб токи ҳозирга қадар олтингугурт ва бошқа моддалар ишлатишга қаратилган трансчегаравий қисқартирилган трансчегаравий қисқартириш амалга оширилган.

1994 йил 17 ноябрда 2 давлат Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида Тошкент шаҳрида Келишув имзоланди. Бу келишув минтақадаги экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган эди. Мазкур келишувни амалга ошириш бўйича ва ривожлантириш учун 1994-1998 йилларда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

1995-1996 йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон алюминий заводини зарарини кўрсатиб берди. Аммо бу дастур амалга ошмади. Тожикистон ҳукумати 1979 йил БМТ нинг “Атмосфера ҳавосини узоқ масофаларда ифлосланиши тўғрисида”ги конвенцияси талабларига мос келмади.

Ўзбекистон 2010 йил 9 оyi давомида кенг жамоатчилик ва ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида ўтказилган 70 га тадбирда 27000 дан зиёд фуқаролар қатнашди. Сурхондарё қиёятида 2010 йилнинг март, апрел, июн ойларида ўтказган оммавий тадбирлари кенг ўтказилди. Ушбу тадбирда халқаро ташкилотларга жумладан БМТ, ЮНЕП, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотларига 220 мингдан зиёд сурхондарёликлар имзо чекишган.¹

XX аср охирига келиб инсон кўплаб экологик муаммоларга дуч келди, илим ўзгариши, ҳаво, тупроқ ва сувнинг ифлосланиши, чучук сув танқислигининг пайдо бўлиши буларнинг барчаси инсон табиатдан нотўғри фойдаланиш оқибатидир. Мазкур экологик танглик XX1 аср бошларида француз биологи ва файласуфи Ж.Ломарк томонидан айтилган “Ер юзини яшаш учун яроқсиз ҳолга келтириган инсоният вазифаси гўё ўз наслини йўқ қилишдан иборатга ўхшайди” деган фикрни амалда исботлади.

Президентимиз Ислон Каримов атроф-муҳит муҳофазаси ҳозирги даврнинг кескин ижтимоий муаммолардан бири эканлигини таъкидлаб “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”.-деган эди.² Жорий йилнинг яъни 2010 йилнинг 9 феввалида Шўрчи туманида Ўзбекистон экологик ҳаркати Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан мазкур туман ҳокимлиги, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, вилоят минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамда Термиз давлат университети ҳамкорлигида “Экологик ва қонунчилик” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.³

Бугунги кунда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, кологик

¹ Экоҳаркат. 2010 йил 29 октябр №44

² Аннаева З. Жамият. 2010 йил 12 феврал. 2010.

³ Фалсафа ва ҳуқуқ. Ўзбекистон. 1997. 112-бет. Т.

ҳолатни яхшилаш борасида долзарб масалаларининг ҳал этиб келинганлиги аниқ. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига 15 нафар депутатнинг сайланиши ушбу вазифаларни бажаришдаги муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон экологик ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва маъсулиятли вазифалар турибди.¹

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Озиқ овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунларни, Ер Кодексини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Экоҳаракат Қонунчилик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенатининг 2009 йил 28 мартдаги 641- 1 сонли ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида”ги 2009 йил 27 феврал 32 сонли қарорларининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштиришни таъминлаш борасидаги топшириқнинг бажариш юзасидан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 62 та қонун ва уларга ўзгартириш киритиш, қарорлар идоравий норматив ҳужжатлар ва халқаро ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашди.

Атроф муҳитга зарар етказувчи моддаларни камайтириш бўйича ҳам қонунлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон ҳудудидаги кичик дарёлардан 6 тасини жумладан, Қашқадарё, Зарафшондарё, Сурхондарё, Норин, Қорадарё,

¹ Сурхон тонги газетаси. 14.07.2010.

Чирчиқдарёларини сувини муҳофаза қилишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган.¹ Бундан ташқари ҳар йили Республикамизда 10 дан ортиқ экологик ҳолатни барқарорлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб амалда қўлланилмоқда. Қонун лойиҳаларини амалда қўллаш ўз навбатида мутасадди ташкилотлар билангина эмас, балки халқ оммасининг онгига сингдириш билан амалга ошириш лозимдир.

¹ Экология хабарномаси. № 2. 2.02.2010. Йил сарҳисоби. 10 бет.

11.Боб.Мамлакатимизда экологик ҳолатни барқарорлаштириш масалалари.

2.2.Воҳамизда экологик маданиятни шакллантириш, таълим тарбия тизимида экологик электрон дарсликларни яратиш.

Атроф-муҳитимиз хилма-хил зарарли моддалар ва чиқиндилар билан йилдан-йилга ифлосланиб борар экан, инсонлар экологик билимларга муҳтож бўлиб бораверади. Инсонлар ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида, табиат бойликларини кўплаб қазиб олиш ва янги технологияларни жорий этиш жараёнида она ер бағрида ётган жуда кўплаб моддаларни қазиб олиб, ва янги технологияларни жорий этиш жараёнида она ер бағрида ётган жуда кўплаб моддаларни қазиб олиб, атроф-муҳитга тарқатиб юборилмоқдалар.

Аввало атроф муҳитни тоза сақлаш учун қишлоқ хўжалигидаги ишлатиладиган химявий дориларнинг меъёрини билиш катта аҳамиятга эга. Меъёридан ортиқ фойдаланиш эса атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши шубҳасиз. Шунинг учун олим мутахассисларимиз синовидан ўтган ва тавсия қилинган химявий дорини ишлатиш нормативларига қатъий химявий эҳтиёткорлик қилиш асосий мезон ҳисобланади.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир киши табиатни асрашни, уни севишни, табиий бойликларидан тежаб фойдаланишни билиш керак. Инсон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги билимлардан хабардор бўлгандагина, экологик тарбияни яхши йўлга қўя олади. Экология тарбия йўлга қўя олади. Экологик тарбия аввало болага оиладан, сўнгра бола боғчадалик давридан бошлаб бериб борилиши зарур. Бундай тарбия ана шундай мунтазам равишда амалга оширилсагина чуқур малакага эга бўлади. Демакки, бола мактабга, ўқув юртларига, ишлаб чиқаришга борганда ҳам табиат ҳақида аниқ тассавурга эга бўлиб тайёр ҳолда боради ва табиатга бўлган муносабати тубдан ўзгаради. Унинг бир бўлаги сифатида ҳаракат

қила бошлайди. Экологик тарбия шу асосда йўлга қўйилса, бизни ўраб турган табиат ва унинг бойликлари яна ҳам гўзал ва бой бўлиб бораверади.

Бу борада бизга, қолаверса бутун дунёга ибрат бўлаётган Европа мамлакатлари ва Япон табиатни муҳофаза қилиш маданияти мактабидан кўз юмиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ундан улгу олиш мумкин холос. Афсуски биз уларга эргашиш у ёқда турсин, ўз ишларимизни йўлга қўйишни ҳатто жиддий ўйлаб кўрганимиз йўқ.

Шу кунга қадар биз Она табиатимизни турли хил химявий моддалар ва техноген чиқиндилар билан заҳарлаб келдик. Шунинг учун бундай заҳарли ва зарарли моддаларни, иложи борича оз миқдорда ишлатиш, чиқиндилар миқдорини камайтириш давр талаби бўлиб қолмай йўлимизда кўндаланг турган ечими мушкул вазифага айланди. Энди ундан кўз юмиб ҳам бўлмайди. Экологик тарбия ёшларга комплекс тарбия беришнинг муҳим шаклларида бири саналади. Атроф-муҳит унда ҳаёт кечираётган инсонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси йилдан йилга заҳарланиб бормоқда. Муҳитнинг таъсирида касалланган одамлар сони эса йилдан-йилга ортаётди.

Аҳолимиз эса экологик тарбия ғоялари билан тўлиқ қуролланишини ўйламаяптилар. Қачонки биз бу ҳақда қайғурсакгина, ана шунда инсонлар табиатни, атроф-муҳитни, ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини севиб уларни асраб авайлаб ва ғамхўр бўлиб яшайди.

Экологик тарбия тирик мавжудотларнинг тана тузилишини биосферани ва атроф-муҳитни билиш билан боғлиқдир.. Элимизга атроф-муҳит, , микроорганизмлар ўсимликлар, ҳайвонлар ва одам билан органик боғланиб кетганлигини тушунтиришимиз керак. Ёшларга экологик таълим-тарбия бериш, айниқса умумий биология, зоология, ботаника, химия, география, физика, одам анатомияси, генетика, табиатшунослик фанларидан дарс беришда ўқитувчилар томонидан аниқ мисоллар ёрдамида маҳаллий материаллар асосида иш юритсалар янада яхши бўларди. Барча ўқув муассасаларида, боғчаларда, корхона завод-фабрикаларда “Жонли бурчак”

ташкил этилса, инсонларнинг ёки жонли табиатга бўлган муносабат ўзгариб, уларда меҳр-муҳаббат, уйғониш шубҳасиз. Ёшлар орасида экологик таълим тарбияни шакллантиришни нафақат мактабдан балки болалар боғчалари яъни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш керак. Нимага деганда боланинг онгида тассавиурида она табиат, атроф-муҳит тушунчаларини жуда тез сингиб кетади. Онгига теран жойлашади. Мактаб ёшида эса янги ўқув дастурлари орқали экологик тушунчаларни янада мустаҳкамроқ жойлаштиришга ўқитувчи ҳам қийналмайди, ўқувчига ҳам осон бўлади.

Ҳозирги кунда экологик ва экологик билим етказишнинг янги ўқув дастурлари замон талаблари асосида ўргатилмоқда.

Мисол учун электрон дарсликларни яратилиши, болалар ва ўқувчиларда шаклланган атроф-муҳитни ифлосланишидан ҳимоя қилиш ва унинг ҳалокатли ҳодисалари тўғрисидаги тушунчаларни улар онгида янада ривожлантириш мақсадида Республикамизда “Экологияни сақлаш бўйича мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун электрон ўқув комплекси” яратилган.

Электрон дарсликда кўтарилган муаммолар.

1.Бугунги кунда янада катта муаммоларга сабаб бўлган экологик ҳолатнинг оқибатлари.

2.Бутун дунёга таҳдид солаётган атмосфера ҳавосининг мувозанатини сақлаш, ҳавога чиқарилаётган газларни камайтириш. Энергия тежамкорлигини ошириш.

Электрон дарсликнинг мақсади бу дарсликнинг асосий мақсади ёш тарбияланувчи ва кичик ёшдаги ҳаттоки олий таълим муассасларида таҳсил олаётган ўқувчиларда гўзал ва кўркем табиатни, битмас-туганмас ер усти ва ер ости бойликларини асраб авайлашага ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини кадрлашга ўргатиш.

Электрон дарсликнинг вазифаси Тарбияланувчилар, умумтаълим ва олий таълим ўқувчиларнинг табиат тўғрисидаги билимларини кенгайтириш,

жамиятни-табиатга таъсири ва бир-бирига боғлиқлиги ҳақида олган билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

Талабларга онгли ўзлаштираоладиган ҳозирги замон экология муаммолари, энергия, энергия турлари ва энергия тежамкорлиги ҳақида маълумот бериш.

Энг асосийси ёшларда экология маданиятини янада ривожлантириш, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат, табиатни инсон билан боғлиқлигини ҳис этиш унга меҳр-муҳаббатли бўлиш, табиат бойликларини тежаш каби инсоний сифатларни шакллантириш.

Назарий жиҳатдан уйда оила аъзолари ва мактабда синфдошлар билан элект-энергияни тежаш каби ҳислатлари билан тарбиялаш.

Амалий жиҳатдан: Атроф-муҳитда оила аъзолари жамоат идоралари хуллас барча жойларда экологик ҳолат заруратини ҳис қилдиришда иборат.

Экологик электрон дарслик 4 қисмдан иборат бўлиб, босқичма-босқич таълим муассасаларида олиб борилади. Ҳар бир босқич таълим тизимида, ундаги болаларнинг ёши ва қабул қилиш меъёри асосида ишлаб чиқилган бўлиб, қабул қилиши инобатга олинган.¹

Электрон дарсликларни мавзусини ўзгартириб янги-янги мавзулар юзасидан ёшларни атроф муҳитга қизиқтириш керак. Ҳозирги кунда интернет тизими телевизор, радио, оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлари жуда тез тарқалаётганлиги сабабли электрон дарсликлар ёрдамида машғулотларни олиб бориш яхши самара беради ва ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Республикамизда, таълим муассасаларида янги-янги шиорлар орқали бутун жамоатчилик ҳаракатини амалга ошириш ҳам бир қатор янги чоратadbирларни кўришга туртки бўлади.

Ҳудди шундай табдирлар таълим тизимида жуда яхши самара беради. Экологик таълим-тарбия ва экологик маданиятни аҳоли ўртасида кенгрок

¹ Экология хабарномаси № 3 (108) 2010. –Б 35-36.

тарғиб қилиш лозимдир. Айниқса жамоатчилик ҳаракатларига кенгрок эътибор қаратиш зарурдир. Аҳолини экологик хабардорлигини ошириш ахборот-тарғибот фаолиятини чуқурлаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Экофорум, Камолот, ОДМУ, Маҳалла жамғармаси, Экомактаб ННТ ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги жўшқинлик билан ривожланди.¹ Ўзбекистон экологик ҳаркати билан биргаликда умумжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган тантанали маросим. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолати ҳақидаги Миллий маъруза китоби тақдимот маросими, КЕМКО лойиҳаси доирасида минтакавий экспертлар учун матбуот-анжумани, Ўзбекистонда экологик журналистика миллий, танлови якунларига бағишланган матбуот анжумани, “Экосан” билан биргаликда Ўзбекистон экологик сайтлари тақдимоти ўтказилди, Марказий Осиё минтакавий экологик маркази, Драйнет лойиҳаси томонидан конференциялар ўтказилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “экологик хабарномаси Экологик вецник” журналининг 100юбилейи сони чиқишга бағишланган матбуот-анжумани ўтказилди, унда табиатни муҳофаза қилиш давлат тузилмлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. “Экологик кинозал-интернетда экологик маълумот конференцияси доирасида нашриёт” томонидан 2009 йилнинг 16 сентябрида сайтнинг тақдимоти ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси веб-порталини такомиллаштириш ва янгилаш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамоатчилик фикри ва ташаббусини ошириш учун Сурхондарё вилоятида ҳам жумладан Термиз давлат университетимизда ҳам амалий тарғибот-ташвиқот ишлари амалга

¹ Экология хабарномаси. № 2. 2010. –Б9.

оширилди. Яқин йиллардан буён таълим даргоҳимизда Тожикистон алюминий заводи ва Роғун ГЭС қурилишига қарши оммавий ҳаракатлар амалга оширилиб бир қатор тадбирлар талабалар ва мутассади ташкилотлар томонидан халқ ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ҳеч бир ҳаракат самарасиз кетмаганидек бу оммавий ҳаракатлар ҳам бесамар кетмади. Экологик муаммоларни ҳал қилишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди. Барқарор тараққиёт бўйича давлатлараро комиссияси илмий-текшириш маркази БТДКИТМнинг Ўзбекистон бўлими томонидан Марказий Осиё мамлакатларнинг барқарор тараққиёт бўйича субрегионал стратегия БТСС лойиҳасини миллий миқёсда келишиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Европа иқтисодий ҳамкорлик иштирокчи давлатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлик Концепцияси лойиҳаси бўйича ҳужжатлар доимий асосда ишлаб чиқилмоқда.¹ Кундан-кунга экологик тадбирларнинг ўтказилиши асосан халқларни сергаклантиради. Янада огоҳроқ бўлишига ундайди. Бу жараён 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонларни атроф-муҳит ҳақидаги дунёқарашини оширишга, табиатни асраб-авайлашга хизмат қилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг муқаддас инсонийлик бурчимиздир.

¹ Экологик хабарномаси. Табиат ва жамият № 2 2010 й. –Б 13-14

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш барчамизнинг конституциявий бурчимиздир. Бутун она табиат бизга ўз бағридан жой бериб, тоза ҳавосидан танамизга ором, ҳилол сувидан беъминот ҳавола этар экан, ҳудди шунинг каби биз ҳам жонажон табиатга меҳрли жонкуяр бўлмоғимиз жоиздир. Бу она табиат асрлар оша яшаб, ўтган аجدодларимизга, бизларга ва келажак авлодларга ҳам бирдан қолиб хизмат қилиши лозимдир.

Мавзуимда кўтарилган муаммолар саноат ва бошқа соҳаларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўқиганда кўнглингиз бир қадар энтикиб кетади. Чунки оддийгина эътиборга олинмаган, юзаки қаралган воқеа ҳам табиатимизга ўнгланиб бўлмас муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газлар Сурхондарё вилояти шимолий туманларини ўз таъсир доираси остига олган бўлиб, кенг ҳудуддаги атмосфера ҳавосини, тупроқ, сув ҳавзаларини заҳарлаш билан бига, ёввойи ҳамда маданий ўсимликларга, ҳайвонот олами ва одамлар ҳаётига жуда катта кулфат келтирди.

Бу заҳарли газлар аралашмаси Сурхон тупроғида чўкмалар ҳосил қилиб, тупроқ биоценозини заҳарлади. Ёввойи ва маданий ўсимликларнинг нормал ўсишига тўсқинлик қилиб, уларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатаёпти. Шимолий туманларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳаёти ҳам хавф остига қолди. Шунинг учун бу муаммоларни Сурхондарё вилояти халқи ва унинг гўзал бой табиатини сақлаб қолиш учун наинки Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари орасидаги келишувлар натижасига суяниш, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги халқаро экспертизага мурожат этиб, уларнинг хулоса ҳамда кўмагини олиш йўли билан бу фожеани тўхтамоқ керак, деб ҳисоблаймиз. Халқ билан давлат билан бирга бу масалага биринчи навбатда паламентни ролини кучайтириш. Экоҳаракат депутатлари гуруҳи фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг фаоллигини

ошириш учун бошқа партияларнинг дастурига ҳам киритилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини янада кенгроқ ўрганиш, уларнинг ечимини топиш чораларини кўриш долзарб вазифаларимиздан бири эканлиги унутмасдан, ҳар биримиз хушёрроқ бўлиб, теран фикр юритиб, она табиатни муҳофаза қилишимиз керакдир.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, она табиатни муҳофаза қилиш борасида бутун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бирдамлик билан ҳаракат қилиш керак. Давлатимиз раҳбари “Менинг сизларга мурожаатимм, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиш учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик”, деган фикридан келиб чиқиб, ҳар бир депутат ўзига билдирган юксак ишончни ҳис этган ҳолда, маъсулиятли вазифаларни бажариш йўлида бор куч ғайратини сафарбар этиш шубҳасиздир.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997. –Б. 132.
2. Халқ сўзи. 2008 йил 28 феврал
3. Халқ сўзи. 2008 йил 21 ноябрь №227
4. Халқ сўзи. 2009 йил 29 апрел № 85
5. Халқ сўзи. 2009 йил 30 апрел № 86
6. Халқ сўзи. 2010 йил 10 апрел № 70
7. Халқ сўзи. 2010 йил 22 апрель № 78
8. Халқ сўзи. 2010 йил 23 апрель № 79
9. Халқ сўзи. 2008 йил 23 феврал №37
- 10.Халқ сўзи. 2010 йил 1 май № 85 (5000)
- 11.Халқ сўзи. 2010 йил 6 май № 88 (5003)
- 12.Эко Ҳаёт 2011 йил 2 феврал № 6 (64)
- 13.Халқ сўзи. 2011 йил
- 14.Экоҳаракат 2010 йил 12 март № 11 (180)
- 15.Экоҳаракат 2010 йил 29 октябр № 44 (213)
- 16.Экоҳаракат 2010 йил декабр № 55
- 17.Сурхон тонги 2010 йил 14 июль
- 18.Сурхон тонги 2010 йил 14 сентябр
- 19.Фалсафа ва ҳуқуқ 2 сон 2010 йил
- 20.Жамият 2009 йил 19 июн
- 21.Жамият 2010 йил 12 феврал.
- 22.Талофат Ш.Хуррамов, Ш.Ўташев. Т. 2007.
- 23.Экология хабарномаси журнал № 2 2010.
- 24.Экология хабарномаси № 3 2010.
- 25.Ўзбекистон Конституцияси.
- 26.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.

Ўқув методик кенгашининг
3-апрель 2002 йилги 5-баён
номаси билан тасдиқланган

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети

_____ таълим йўналиши

Битирувчиси _____ нинг
(Ф.И.Ш)

_____ мавзуидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг

ХУЛОСАСИ

Термиз давлат университети ДАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги БМИ ни бажариш ҳақида 31.12.98. йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг ҳажми ва талаб бўйичарасмийлаштирилганлиги (меёр: тиббий йўналишлар-50 бетдан, ижтимоий-гуманитар-70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-_____ балл
2. талабга қисман жавоб беради-_____ балл
3. талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд _____ балл
4. Мавзунинг давлат ва университет грант дастури асосида ёки долзарб муаммолар бўйича танлаганлиги: давлат дастурига кирган _____ балл
5. Грант лойиҳаси бўйича _____ балл
6. ТерДУ дастури бўйича _____ балл
7. долзарб муаммолар бўйича _____ балл
8. Мавзунинг долзарблиги асосланганлиги: етарли даражада асосланган _____ балл
9. етарли даражада асосланмаган _____ балл
10. ноаниқ _____ балл
11. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ - _____ балл,
12. тўлиқ аниқ эмас – _____ балл,
13. аниқ эмас – _____ балл,
14. БМИ бажаришда илмий текшириш методлардан фойдаланганлик даражаси тўла _____ балл
15. қисман _____ балл
16. етарли эмас _____ балл
17. Олдинги натижаларнинг янгилиги ва ишончилиги даражаси натижа янги _____ балал
18. илгари олинган _____ балл
19. тўла ишончли эмас _____ балл

20. БМИнинг хулоса қисмида ишлаб чиқаришга тавсия берилганлиги: бевосита ишлаб чиқаришга тавсия бор _____ балл
21. ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маънавий-маърифий..) тавсия қилинган _____ балл
22. тавсия йўқ _____ балл
23. Битирувчининг мавзу бўйича олинган натижаларини танқидий баҳолаганлиги даражаси: аниқ _____ балл
24. тўла аниқ эмас _____ балл
25. танқидий баҳоланмаган _____ балл
26. Ишнинг илмий ҳарактери: илмий тадқиқотлар асосида _____ балл
27. аралаш шаклда _____ балл
28. Рефератив ҳарактерда _____ балл
29. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланганлиги _____ балл
30. фақат дарслик маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва маълумотномалардагина фойдаланилган _____ балл
31. Битирувчининг маърузасига баҳо, аъло _____ балл
32. яхши _____ балл
33. қониқарли _____ балл
34. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ _____ балл
35. ўрта _____ балл
36. қониқарли _____ балл
37. БМИни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло _____ балл
38. яхши _____ балл
39. қониқарли _____ балл
40. БМИга қўйилган якуний балл _____

(100 балл)

Эслатма: ҳар бир банд бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси _____

Ф.И.Ш. имзо

Аъзолари _____

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

Ф.И.Ш. имзо

(муҳр ўрни)

Сана « _____ » _____ 2011 йил